



«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Хурматли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда юртимиздаги барча темир йўл ходимларини мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуг сана — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон темир йўллари ўзининг 20 йиллик тарихи давомида мураккаб шаклланиш ва жадал ривожланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда юртимизнинг барча минтақаларини ишончли боғлаш учун бамисоли қон томирлари каби ҳаётий зарур бўлган темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизими сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Агарки мана шундай темир йўллар бўлмаса, биз қандай ҳаёт кечирармики, иқтисодиётимизни қандай ривожлантириш мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўларди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали ташилмоқда.

Ўзбекистон темир йўллари транзитининг энг муҳим бўлини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқ-

да. Маълумки, қадим замонлардан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон замини бўйлаб Буюк ипак йўли ўтган ва бу ҳудудда кўплаб савдо йўналишлари туташган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик алоқалари амалга оширилган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон магистрал темир йўл тармоқлари орқали Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган салмоқли транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Мамлакатимизда темир йўл транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва мустақамлаш, темир йўл ташувларининг ишончлилик ва хавфсизлик даражасини ошириш бўйича «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан олиб борилаётган ишларни алоҳида қайд этиш зарур. Кейинги йилларда темир йўлчиларимизнинг куч-гайрати билан 1 минг 100 километрдан зиёд янги темир йўл тармоқлари барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1000 километрлик темир йўл магистраллари электриштирилди. Ана шундай катта ишларимиз натижасида темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етди ва улар республикаимизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди.

(Давоми 2-бетда.)



САМАРАДОРЛИК, ИШОНЧЛИЛИК, ХАВФСИЗЛИК

«Туркистон» саройида 6 ноябрь кун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси жамоасига табригини компания раиси О.Раматов ўқиб-эшиттирди.

Тадбирда мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистон транспорт тизimini изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъ-

кидланди. Соҳада кенг қўламли ислохотлар ҳаётга татбиқ этилиб, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, йўловчилар сони ва юк ташиш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Бу борада темир йўллар муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, мамлакатимизда ташилаётган юкларнинг катта қисми айнан ушбу тармоқ улушига тўғри келади. Катта ҳажмда юк ташиш имконияти, об-хаво шароитидан қатъи назар, барқарор ва узлуксиз фаолият юртиши мазкур транспорт турининг асосий устунликларидадир.

(Давоми 3-бетда.)

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИгини ОШИРИШ жамият манфаатларига хизмат қилади

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, сиёсий-иқтисодий фаоллиги гоё муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода мамлакатимизда фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Харакат фаоллари ташаббуси билан бу йўналишда ўтказилаётган турли кўрик-танловлар, семинар-тренинглари, учрашув ва давра суҳбатларида ёшлар фаол иштирок этмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг январь-сентябрь ой-

лари мобайнида ёшларни давлат ҳокими-яри ва бошқарув органлари фаолияти билан таништириш мақсадида ташкил этилган учрашувларда 180 минг нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар қатнашди.

(Давоми 5-бетда.)

8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni

ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТЛАРИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 58-модда.

Мамлакатимизда жамоат бирлашмалари, жамғармалар, оммавий ҳаракатлар, қасба уюшмалари ва бошқа нодавлат ношаро ташкилотлар Конституция ҳимоясида бўлиб, уларга Бош қомусимизнинг алоҳида 13-боби бағишланади. Бугунги кунда улар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил қилиб, унинг мазмунини белгиламоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш-

га қўмаклашмоқда. Давлатимиз томонидан яратилаётган қулай шарт-шароит, берилган имтиёз ва имкониятлар фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги фаол иштирокини таъминламоқда.

ЎЗА муҳбири Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг жамоат, нодавлат ношароат ва диний ташкилотлар бошқармаси бошлиғи Худоёр МЕЛИЕВ билан шулар ҳақида суҳбатлашди.

(Давоми 6-бетда.)

Saylov — 2014

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоий—Учкудук—Нукус—Султон Увайс тоғ ва Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизни узоқ истиқболни кўзлаган ҳолда, барқарор ривожлантириш йўлида стратегик аҳамиятга эгадир.

Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки иштирокида мураккаб табиий ва иқлим шароитларида барпо этилган, денгиз сатҳидан 1 минг 500 метр баландликда жойлашган тоғ довои орқали ўтайдиган 223 километр узунликдаги Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон янги темир йўли моҳият эътибори билан Марказий Осиёда ўхшаши бўлмаган ноёб иншоот ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Мароқанд—Қарши ва Қарши—Термиз темир йўл тармоқларини электрлаштириш борасидаги ишлар ҳам жадал суръатлар билан олиб боришмоқда.

Янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизнинг шимолӣ ва жанубий минтақаларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металл, қурилиш материаллари ва бошқа қимматбаҳо фойдали қазилмаларнинг бой конларини комплекс ўзлаштириш учун, ҳеч шубҳасиз, катта имкониятлар очади. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринларини шакллантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларимизнинг даромадлари ва моддий фаровонлигини ошириш учун шароит яратишга қандай муҳим ҳисса қўшишини, ўйламанки, изоҳлаб ўтиришнинг ҳолати йўқ.

Биз транспорт коммуникация соҳасидаги яна бир йирик иншоот, яъни, 19 километрлик темир йўл туннелини ўз ичига оладиган Ангрен—Поп йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғини хитойлик ҳамкорларимиз билан биргаликда барпо этишга

катта истиқболга эга бўлган муҳим лойиҳа сифатида қарамоқдамиз.

Ушбу темир йўл тармоғининг 2016 йил июль ойида ишга туширилиши Фарғона vodiysi вилоятларини Ўзбекистоннинг марказий қисми билан ишончли тарзда боғлашга имкон яратади, республикамизнинг бутун ҳудуди бўйлаб ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш борасидаги ишларни якунига етказди, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Транспорт хизматларининг даражаси ва сифатини оширишда темир йўл паркиннинг ҳаракатланадиган таркибини энг замонавий, юксак самарали локомотивлар ва ҳар томонлама қулай вагонлар билан аянгиллаш бўйича ишлар ўта муҳим аҳамият касб этади. Фақатгина сўнгги ўн йилда 38 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи ташвиш тепловози сотиб олинди, 150 та локомотив модернизация қилинди.

Испаниянинг "Талго" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, замонавий, юқори тезликда ҳаракатланадиган "Афросиёб" электропоезди Ўзбекистоннинг ғурур-ифтихори ҳисобланади. Шунинг айтиш жоизки, бундай поездлар дунёнинг атиги саккизта мамлакатиде мавжуд. Бугунги кунда ушбу поезд ҳар кун Тошкент—Самарқанд—Тошкент йўналиши бўйича 344 километрлик масофани бор-йўғи икки соатда босиб ўтмоқда. Бу эса одамларимизнинг ана шу транспорт турига бўлган муносабати ва қарашларини тубдан ўзгартирмоқда.

Юртимизда 11 та янги темир йўл вокзали барпо этилиши ва 7 та вокзалнинг реконструкция қилиниши натижасида улар бутунлай янгича қиёфа касб этди. Мазкур вокзаллар йўловчиларга энг юқори халқаро стандарт ва талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланганини қайд этиш лозим.

Ўтган йиллар мобайнида темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш ва тегишли инфраструктураларни ободонлаштиришга 6 миллиард доллардан ортиқ капитал қўйилмалар, жумладан, 1,8 миллиард долларлик хорижий инвестициялар йўналтирилди.

Компаниянинг йўл хўжалиги, "Ўзтемирйўлйўловчи" очик акциядорлик жамияти йўловчилар ташиш бўлини ва "Ўзтемирйўлконтейнер" юк ташиш тузилмаси, шунингдек, қурилиш ташкилотлари ва бошқа таркибий қисмлари мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантириш ва унинг самарали фаолият кўрсатишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Компания ташкил этилган кундан буюн юк ташилар 1,5 баробар, йўловчи ташиш эса 1,3 баробар кўпайгани, темир йўллар орқали 1 миллиард 400 миллион тонна юк ташилгани ва 350 миллион йўловчи ўз манзилга етказилгани унинг салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда темир йўл тармоғининг жадал ривожланаётган, юксак технологияларга асосланган Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи, Қуюв-механика заводи, "Ўзтемирйўлмашташмир" унитар корхонаси каби санат корхоналари ҳақли равишда компаниянинг байроқдорлари ва ифтихори ҳисобланади. Улар Европа мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея давлатлари ва бошқа етакчи хорижий компанияларнинг замонавий асбоб-ускуналари ва янги авлод технологик тармоқлари билан жиҳозлангани айниқса эътиборлидир.

Мазкур корхоналарда локомотив ва йўловчи вагонларни таъмирлаш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашдан ташқари, қисқа вақт ичида ўзимизнинг вагонсозлик саноатимизга муваффақиятли асос солинди ва бу ерда 2,5 мингта юк ва 150 та янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилди, 735 та йўловчи вагонлари модернизация қилинди.

Ўз таркибиде юқори малакали 70 минг нафар инженер-техник ходимлар ва мутахассисларни, йўлсозлар, машинистлар, санат ва қурилиш корхоналари, ижтимоий инфраструктура объектларининг ишчи ва хизматчиларини бирлаштирган аҳил меҳнат жамоаси компаниянинг бебаҳо бойлиги, олтин фонди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, билим ва тажрибангиз халқимиз орасида юксак обрў-эътиборга эга бўлиб, ҳар томонлама ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир.

Барчамизга аёнки, компаниянинг, бутун темир йўл тармоғининг келажаги аввало соҳага замонавий билимга эга, илғор технологияларни пухта ўзлаштирган, ўз касбига содиқ, Ватанимизга фарзандлик меҳри билан яшайдиган ёш мутахассис ва ишчиларни кенг жалб этиш билан бевосита боғлиқдир. Юртимиздаги олтига касб-хунар коллежи ва Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институти ҳар йили уч мингдан зиёд ёш мутахассислар аниқ касб йўналиши бўйича битириб чиқиб, ҳаётга йўлланма олаётгани мамлакатимиз темир йўл транспортининг келгуси тараққиёти учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда темирйўлчилик касби мамлакатимизда ёшлар ўртасида қизиқиш ва талаб энг катта бўлган, шарафли касбга айланганини алоҳида таъкидлаш йўналишидир.

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги кутлуг айём билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, фидокорона меҳнатингиз, Ватанимиз равиши ва фаровонлигига қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун сизимий миннатдорлик билдириб, барчангизга ўзимнинг чукур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этаман. Сизларга ва оилаларингизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, эзгу ишларингизда янги-янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Парламент комиссияси раиси А.Саидов ва бошқалар «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг изчиллиги билан ҳаётга татбиқ этилаётгани жамиятимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва ролини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва тегишли қонун ҳужжатлари бу борадаги савий-ҳаракатларда муҳим дастуриалмаб бўлаётди.

Мамлакатимизда 8 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти самарали

фаолият юритаётди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ушбу жамоат тузилмаларининг фаолият қўламини кенгайтириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб қабул қилинган «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Экологик назорат тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғри-

сида», янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг барча бўғинларини қўллаб-қувватлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий долзарб масалаларини ҳал этишдаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда мазкур комиссиянинг 2010—2014 йил-

лардаги фаолияти атрофида муҳокама этилди.

Хисобот даврида парламент комиссияси томонидан давлат ижтимоий буюртмаси, гранти ва субсидиялар шаклида 1100 лойиҳани рағбатлантириш, ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 30,7 миллиард сўм маблағ ажратилган. Қўллаб-қувватланган лойиҳалар жойларда муҳим аҳамиятга молик ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ва бошқа вазифаларни ҳал этиш, давлат бошқаруви органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, уларнинг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жамият ҳаёти-

ни янада демократлаштиришдаги ролини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбирда давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалар учун 2014 йилда ўтказилган танловда 213 ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари 226 лойиҳа билан иштирок этгани қайд этилди. Ушбу лойиҳалар ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, улардан юзга яқинини молиялаштириш учун 1 миллиард 423 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратишга қарор қилинди.

Анжуманда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш максдаида ўтказилган «Соғлом бола — баркамол келажак» мавзусидаги танлов якунлари ҳам эълон қилинди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

2014-yil 8-noyabr, № 90 (8739)

САМАРАДОРЛИК, ИШОНЧЛИЛИК, ХАВФСИЗЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1994 йил 7 ноябрда қабул қилинган фармонида мувофиқ ташкил этилган "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси темир йўл тармоғини жадал ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда. Бугун ушбу компания мамлакатимизда темир йўл транспортининг барча соҳаларида юқори малакали кадрлар, улкан илмий ва моддий-техник база, лойиҳа ва қурилиш қувватлари ҳамда катта халқаро ҳамкорлик тажрибасига эга энг йирик компания ҳисобланади. Нафақат янги магистрал ва вокзаллар бунёд этиш, мавжуд темир йўл тармоқларини модернизация қилиш, балки электровозлар паркинчи янгилаш, янги йўналишлар ташкил этиш ва бошқа вазифалар компания фаолиятининг устувор йўналишларидандир.

Навий—Учкудук—Нукус—Султон Увайстоғ янги темир йўл линиясининг қурилиши "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилган энг йирик лойиҳалардан биридир. Ушбу янги линиянинг ишга туширилиши нафақат табиий бой минерал захиралардан фойдаланиш, қўшни мамлакатлар ҳудудини айланаб ўтадиган транспорт харажатларини камайтириш, балки фуқароларимиз фаровонлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Амударёда маҳобатли кўприкнинг бунёд этилиши эса мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантиришда, айниқса, муҳим лойиҳа бўлди. Ушбу улкан муҳандислик иншооти Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари, хусусан, пойтахтимиз билан боғлаб, ўртадаги масофани сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Узунлиги қарийб 700 метр бўлган ушбу кўприк Урганч—Тошкент йўналиши бўйича қатнайдиган поездлар ҳаракати вақтини 5,5 соат, масофани 300 километрга қисқартирди.

Компания йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Тошкентдан Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарларига "Шарқ" ҳамда "Насаф" тезкор поездлари қатновини йўлга қўйди. Бундан ташқари, 11 янги вокзал бунёд этилиб, 7 темир йўл вокзали реконструкция қилинди. Замонавий техникалар билан таъминланган бу вокзаллар йўловчиларга халқаро талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида қатнаётган юқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб" поезди мамлакатимизда транспорт хизмати кўрсатиш сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз локомотив ҳўжалигини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Истиқлол йилларида соҳада улкан ўзгаришлар рўй берди. Катта ҳажмдаги юкларни кам маблағ сарфлаган ҳолда ташиш имконини берадиган янги юк электровозлари харид қилинди. Жумладан, сўнгги 10 йилда компания томонидан 15 йўловчи, 12 юк ва йўловчи, 11 юк ташувчи электровозлар ва 10 йўловчи ташувчи тепловозлари сотиб олинди.

Шу билан бирга, вагонлар парки ҳам сезиларли даражада янгиланди. Бу эса мамлакатимиз темир йўл соҳасида улкан тараққиётга эришадиган даражада далолат беради. Тошкент йўловчи вагонлар қуриш ва таъмирлаш заводи бу борада амалга оширилаётган ишларга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу ерда халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган қулай ва шинам йўловчи вагонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтга қадар завод томонидан 120 янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилди, 735 вагон модернизация қилинди.

Яқинда реконструкция қилинган Қуюв-механика заводи вагонлар паркинчи тўлдирини таъминламоқда. Йилига 26,5 минг тонна қуйма маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати-га эга ушбу заводда айни пайтда

167 турдаги саннат маҳсулотлари тайёрлаш маҳаллийлаштирилди.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси маълумотларига қўра, бугунги кунда Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл қурилишини яқунлаш орқали Ўзбекистон Республикасининг яхлит, мустақил темир йўл тизимини шакллантириш компания фаолиятининг энг муҳим вазифаларидандир. Ушбу лойиҳа доирасида узунлиги 19 километрлик темир йўл туннелини қуриш кўзда тутилган.

Айни пайтда ушбу лойиҳани амалга ошириш доирасида 35,5 миллион куб метрлик тупроқ ишлари амалга оширилиб, 204 иншоот, 11 кўприк, 3 йўл ўтказгич барпо этилиб, 82 километрлик темир йўл линияси қуриб битказилди. Туннел асосий қисмининг 5,5 минг метр узунлигидаги участкасида қазил ишлари, 1,4 минг метрдан ортиқ масофадаги участкада эса пардозлаш ишлари амалга оширилди.

Бу ишларга энг замонавий темир йўл техникаларининг жалб этилгани темир йўл соҳасини жадал ривожлантириш, кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириш имконини бераётди. Шундай мураккаб ишда ўз касбига меҳр қўйиб, фидокорона меҳнат қилаётган инсонлар муҳим ўрин тутмоқда. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллиги ўз ҳаётини темир йўл соҳасини ривожлантиришга бахш этган 70 мингдан зиёд ишчи-хизматчиларнинг байрамидир.

Уларнинг фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб баҳоланмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 5 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимлари мукофотлаш тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, темир йўл транспорт тизимини замон талаблари асосида ривожлантириш, соҳадаги илохотларни муваффақиятли амал-

га ошириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун соҳанинг бир гуруҳ ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотларига лойик қўрилди. Тадбирда уларга Ватанимизнинг ушбу юксак мукофотлари топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг ўқув ишлари бўйича проректори Ф.Каримова ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг алоқа ва сигналлаштириш маркази бош муҳандиси Ҳикматилло Солиев Президентимиз Ислам Каримовга соҳа ходимларига қаратаётган алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирди.

— Мен учун бугун энг қувончли ва бахтли кундир, — дейди Ҳ.Солиев. — Давлатимиз раҳбарининг фармонида биноан Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими унвони билан тақдирландим. Камтарона меҳнатимана шундай юксак мукофотга муносиб қўрилгани мен учун катта шарафдир. Давлатимиз раҳбари томонидан темир йўл транспорти ходимларига қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик бизни Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида бор куч-ғайратимизни сафарбар этишга ундайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзо темирйўлчиларни ушбу сана билан табриклади.

Тантанали тадбир санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги байрам концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида қарашли Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот марказида табиий ва синтетик полимерлар асосидаги нанополимер тизимларнинг тузилиши ва хоссаларини ўрганиш ва бундай маҳсулотлар олишнинг замонавий технологияларига бағишланган халқаро анжуман бошланди.

Ўзбекистон Миллий университети ректори Ф.Муҳамедов, Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази директори С.Рашидова ва бошқалар илм-фан тараққиётини ривожлантириш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида амалга оширилаётган илохотларнинг устувор йўналишини ташкил этишини алоҳида таъкидлади. Бу борада яратилган кенг қўламли имкониятлар туфайли фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар изчил ривожланмоқда, яратилаётган янги технологияларни амалга таътиқ этиш орқали салмоқли натижаларга эришилмоқда.

ФАН, ТАЪЛИМ ВА АМАЛИЁТ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга таътиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

Мамлакатимизда илм-фаннинг барча соҳалари қатори полимерлар кимёси ва физикаси йўналиши ҳам изчил ривожланмоқда. Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот марказида ун иккита фундаментал, амалий ва инновация, йигирмага яқин ҳўжа-

лик шартномалари асосида илмий лойиҳалар ҳаётга таътиқ этилмоқда.

Олимлар ва мутахассислар қишлоқ ҳўжалиги, кимё саноати, табиёт ва жамиятимизнинг барча тармоқларида қўлланиладиган замонавий полимер маҳсулотлар яратиш устида изланмоқда. Илмий тадқиқотлар натижасида қишлоқ ҳўжалигида қўлланиладиган УЗХИТАН препарати яратилди. Ушбу воситани аграр соҳада қўллаш натижасида ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини юксалтириш ва валютани тежашга эришилмоқда.

Фан ютуқлари табиёт соҳасида ҳам самарали ихтироларни яратиш имконини бераётди. Ана шундай муҳим иш-малалардан бири «ЦелАгри» препарати шифобахш хўсусиятлари жиҳатидан хориждаги аналогларидан асло қолиш-

майди. Ҳозирги кунда пойтахтимиздаги «Радикс» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланаётган ва амалда кенг фойдаланилаётган ушбу препарат грип кассаллигининг олдини олиш ва даволашда самарали воситадир. Ушбу препаратдан хорижий мамла-

катларда «Кагоцил» савдо белгиси остида фойдаланилаётди. Конструкция полимерлар асосида янги материаллар яратиш, қайта ишлаш усуллари тақомиллаштириш ҳам илмий изланишларнинг муҳим йўналишларидандир. Бу борадаги тадқиқотлар нанотехнологияларни қўллаш учун маҳсул композицион полимер материаллар олиш имконини яратади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 8 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тузил-

масини янада мақбуллаштириш ҳамда республика академик илм-фани ва олий таълимнинг интеграциясини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги устувор вазифаларни ҳаётга таътиқ этишда дастуриламал бўлаётди. Мазкур қарорга мувофиқ Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида фаолият юритмоқда ва етук олим ҳамда мутахассислар илмий-тадқиқот ишлари билан бир қаторда таълим жараёнида ҳам фаол иштирок этаётди.

Марказда таълим ва илм-фан ҳамкорлиги билан бир қаторда йигирмага яқин ишлаб чиқариш корхонаси билан алоқалар йўлга қўйилган.

Халқаро илмий-амалий анжуман доирасида ёш олимларнинг илмий лойиҳалари тақдироти ва олимлар ҳамда саноат корхоналари вакиллари иштирокида фан, таълим, амалиёт интеграциясига оид давра суҳбати ташкил этилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

Пойтахтимиздаги "Туркис-тон" саройида "Competizione dell'Opera" италян операси ижрочилари XIV халқаро танловига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Фотиҳ Жалолов, Алишер Навоий номидаги

уларнинг миллий мусиқа меросини ўрганиш ва тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Бу йўналишдаги ишлар нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилаётган маданий тадбирларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта теат-

Усмонов 2013 йили Австриянинг Линц шаҳрида ўтказилган ушбу танловда иккинчи ўринга сазовор бўлди.

"Competizione dell'Opera" италян операси ижрочилари XIV халқаро танлови 24—29 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ав-

стрияда асос солинган, Гамбург шаҳрининг мусиқа ва театр олий мактабининг ўша даврдаги президенти, профессор Герман Пауэ "Cestelli" биринчи опера танловини ташкил этган. Мазкур танлов шуниси билан эътиборлики, унда иштирокчилар қадимдан XX асргача бўлган даврдаги опера асарларини фақат ита-

ТОШКЕНТДА ИТАЛЬЯН ОПЕРАСИ ИЖРОЧИЛАРИ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Давлат академик катта театри директори Бахтиёр Ёкубов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий санъатимизни янада раванак топтириш, эришилган ютуқларни жаҳонда кенг тарғиб этиш, бу борадаги халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда ўтказилаётган турли халқаро танлов ва фестиваллар дунё халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш,

рининг санъаткорлари хорижда ўтаётган нуфузли кўрик-танловлар, фестиваллар, ижодий анжуманлар, концертларда муваффақиятли иштирок этмоқда, ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларни томошабинлар эътиборига ҳавола қилмоқда. Хусусан, театр солисти Раҳим Мирзақамолов 2012 йили Беларус Республикасининг пойтахти Минск шаҳрида ўтказилган "Competizione dell'Opera" танловда биринчи ўринни қўлга киритди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рамиз

стриядаги "Competizione dell'Opera" халқаро танлов уюшмаси, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри ҳамкорлигида ташкил этилаётган мазкур танловда Осиё, Европа, Австралия, Африка ва Жанубий Америка мамлакатларининг дастлабки босқичлардан муваффақиятли ўтган ёш опера ижрочилари иштирок этади.

"Competizione dell'Opera" танловига 1996 йили Герма-

льян тилида ижро этади. Танловда 20—30 ёшдаги опера ижрочилари қатнашиши мумкин. Уларнинг саҳнадаги чиқишларини дунёнинг йирик опера театри раҳбарлари ва машҳур опера ижрочилари-дан иборат халқаро ҳай'ат аъзолари баҳолайди.

Матбуот анжуманида ушбу халқаро танловга қўрилаётган тайёргарлик ҳақида атрофлича маълумот берилди. Журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

САМАРҚАНДГА УНУТИЛМАС САЁХАТ

«Соглом авлод учун» халқаро хайрия фонди «Соглом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда ўқувчиларнинг кузги таътил вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Кўп болали, кам таъминланган оила фарзандлари, меҳрибонлик уйлари ҳамда махсус мактаб-интернати тарбияланувчиларининг Самарқанд шаҳрига саёҳати ҳам ана шундай эзгу тадбирлардан бири бўлди.

Тошкент шаҳридан келган болалар дастлаб Афросиёб музейини кўздан кечиришди. Улар бу ерда асрлар оша ўз қурқу салобатини сақлаб, аҳдоқлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган осори-атикаларга ғувоҳ бўлишди. Тарихдан сўзловчи музей экспонатлари, ота-боболаримиз турмуш тарзидан бохабар бўлилар. Сўнгга ўқувчилар Регистон мажмуаси, Амир Темури макбараси, Ўлкашунли музейларини томоша қилди. Саёҳатчилар йўл-йўлак мустақиллик йилларида бунёд этилган замонавий иншоотлар, шаҳарга ўзгача чирой, улуғворлик бахш этаётган макбараю зиёратгоҳларни ҳам кўздан кечирдилар.

— «Она Ватан тарихи» широри остида ўтказилаётган тадбирга пойтахтимиздаги боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва жисмоний имконияти чекланган эллик нафар бола қамраб олинди, — дейди «Соглом авлод учун» халқаро хайрия фонди ташкилий-услубий бўлими бош мутахассиси Аббос Эргашев. — Кўхна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига уюштирилган саёҳатдан болажонлар бир олам таассурот билан қайтмоқда. Бундай сермазмун, унутилмас саёҳат ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини бойитиши, шубҳасиз.

— Таассуротларим бир олам, — дейди Тошкент шаҳридаги 30-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Илёс Ҳусанов. — Самарқанднинг мафтункор ва ғўзал табиати, ўтмиши ва бугуни уйғунлашган, қадимий ва афсонавий шаҳар қиёфасини кўп бор телевизор орқали кўрганман, китобларда



ўқиганман. Бироқ ўз кўзим билан кўрмагандим. Бугун дунё цивилизациясининг йирик марказларидан бири бўлган Самарқандни кўриш бахтига муяссар бўлдим.

Ҳақим Жўраев,
«Ma'rifat» мухбири

КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ, ИҚБОЛИМИЗ!

Ўзбекистон Миллий университетида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусидаги тарғибот лойиҳасини амалга оширишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. «Қамолот» ЁИХ ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Жорий йилнинг 27 октябрдан 15 декабргача ўтказиладиган ушбу тарғибот лойиҳаси умумтаълим мактаби, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари иштирокида «Тенгдош-тенгдошга» тамойили асосида ўтказилади. Тарғибот давомида ўғил-қизларнинг ҳуқуқий билимлари оширилиб, уларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов ҳақида тушунчалар берилди.

Анжуманда, шунингдек, тарғибот лойиҳаси доирасида «Ватан келажаги сенинг қўлингда!», «Ёшлар ва сайлов» мавзуларида тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилиши алоҳида қайд этилди.

Гуляёх БОБОЖОНОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

КИТОБ ТАФАККУРНИ ТИНИҚЛАШТИРАДИ

Республика иختисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида «Зукко китобхон» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тадбирдан кўзланган мақсад ёшларни китобхонликка, мутлоагага кенг жалб қилишдан иборат.

Баркамол авлод тарбияси ҳар доим муҳим вазифа саналган, — дейди адабиётшунос олим Омонулла Мадаев. — Маънавий билим ва тафаккурни юксалтириш, бетақдор истеъдод ва қобилиятини янада ривожлантириб, жаҳонга намойён қилиши учун ёшларимизга барча шароитлар яратиб берилмоқда. Ушбу тадбирда ҳам ана шундай интилувчан ёшлар китобга, билим олишга бўлган қизиқишларини намойён этдилар.

Китобхонлик мусобақасида таълим муассасаси иқтидорли ўқувчилари 3 гуруҳга бўлинган ҳолда 4 шарт бўйича билим ва ижодий маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Тадбир сўнггида фаол иштирок этган ўқувчилар, китобхон ёшлар фахрий ёрлик ва китоблар билан тақдирланди.

Нилуфар АҲМЕДОВА

МАСЪУЛИЯТ — АСОСИЙ ТАЛАБ

Тошкент молия институтини «Менинг касбим, менинг фахрим» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатини ўтказишдан мақсад ёшларни келгуси иш фаолиятига тайёрлаш, жамоада ишлаш кўникмасини шакллантириш, бугунги кунда банк мутахассисларига қўйилаётган талаблар билан таништиришдан иборат. Давра суҳбатига олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан бирга турли банкларнинг кадрлар масалалари бўйича мутахассислари иштирок этишди.

Тижорат банкларининг кадрлар сиёсати, ёш мутахассисларини ишга қабул қилиш ва улар билан ишлаш мавзуларидаги чиқиш-

лари қизиқиш билан тингладилар.

— Банк соҳасидаги ходим касбий фанларни чуқур билиши билан бир қаторда, чет тилларни мукаммал эгаллаши, дастурий маҳсулотлардан ўз ўрнида фойдаланиши, миқозлар билан ҳушмуомала бўлиши зарур, — дейди «Банк ҳисоби ва аудит» кафедраси mudiri Н.Обломуродов. — Давра суҳбатига ҳам етук мутахассис юксак салоҳиятли, ўз ишига масъулиятли, касбига садокатли бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Муҳокамаларда талабалар ҳам фаол иштирок этишди, ўзларини қизиқтирган саволларга амалиётчи мутахассислардан жавоб олишди.

МУХБИРИМИЗ

БИТИРУВЧИ ЁШЛАР

Ўз ҳудудидида иш билан таъминланмоқда

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Яқкасарой тумани ҳокими иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Анжуман ўтган 9 ой мобайнида туманда иқтисодий, ижтимоий ва таълим йўналишлари бўйича амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланди.

Бугунги кунда тумандаги 18та маҳаллада йирик sanoat, қўшма ва кичик бизнес корхоналари фаолият юритмоқда. Мазкур корхоналарда касб-хунар коллежлари битирувчилари иш билан банд этилган. Яқкасарой туманида жами 6та касб-хунар коллежи бўлиб, уларда соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, енгил sanoat, маиший хизмат, коммунал хизмат каби бир неча касб ва ихтисосликлар бўйича кичик мутахассислар тайёрланмоқда.

2013-2014 ўқув йилида мазкур коллежларни 1423 нафар ўқувчи битирган. Битирувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар натижасида бугунга қадар 796 нафарининг бандлиги таъминланган.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимлари барча саволларига жавоб олдилар.

Хурлиман НУРЖОНОВА

ФОЛЬКЛОР САНЪАТИ — МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика халқ ижодиёти ва маданий-матрифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамкорлигида «Истиқлол даври фольклор санъатининг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги фольклор-этнографик жамоаларнинг баддий раҳбарлари иштирок этди.

— Ўзбек фольклор санъатининг ранг-баранг жанрларини ўрганиш, тиклаш ва ривожлантириш, халқ ижодиёти аъёнларини кенг тарғиб этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда, — дейди санъатшунос олим Р.Абдуллаев. — Анжуманни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам фольклор санъатига алоҳида эътибор қаратиш, фольклор-этнографик ансамблларни қўллаб-қувватлаш, чекка жойларда фаолият юритаётган фольклор-этнографик жамоаларни соҳа мутахассислари билан ҳамкорлик ўрнатишини йўлга қўйиш, ансамбллар репертуарини бойитиш ҳамда бу жараёнга асосан ёшларни кўпроқ жалб этишдан иборат.

Анжуманда келгусида ишлар ҳақида фикр алмашилди, ҳудудий фольклор ансамбллари баддий раҳбарлари учун профессор-ўқитувчилар томонидан маҳорат дарслари ўтказилди.

Моҳинур ИСЛОМОВА

2014-yil 8-noyabr, № 90 (8739)

Бухорода "Ибн Синонинг илмий-маънавий мероси — башарият учун бебаҳо хазина" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ибн Сино жамоат фонди, Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, талабалар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасалари масъул ходимлари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, жаҳон цивилизациясига бебаҳо хисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой илмий-ижодий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилаётгани, давлатимиз раҳбарининг жорий йил май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузасида Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган аллома ва мутафаккирларнинг илмий мероси чуқур таҳлил қилиниб, замонавий цивилизация ривожидagi ўрни ва ролига муносиб баҳо берилгани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз ўз маърузасида Бухорода туғилиб ўсган тиббиёт илмининг султони Ибн Синонинг жаҳон илм-фани, хусусан, медицина тараққиётига қўшган бебаҳо хиссасини алоҳида таъкидлади. "Ислам оламиининг энг машҳур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг

энг буюк мутафаккирларидан бири" деган унвонга сазовор бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида гурур ва эҳтиром туйғуларини уйғотишини қайд этди.

Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган бу улуг зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратган. Улар тиббиёт ва фалсафа, математика, физика, астрономия, математика, музика, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишланган.

Абу Али ибн Сино номи берилгани ҳам бежиз эмас.

Конференцияда Абу Али ибн Синонинг бой илмий мероси ва унинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида батафсил сўз юритилди.

— Ўзбекистон замини қадимий меросга гоёта бой, — деди ЮНЕСКО фахрийси Майкл Бари Лейн. — Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ана шу бебаҳо бойликлар — тарихий-меморий ёдгорликларини асраб-авайлаш, улуг алломалар меросини ўрганиш

О'zbekiston — buyuk allomalar yurti

ҳолатлари, касалликнинг оғир кечиши сабаблари, юқумли хасталиклар, ўсмалар, яллиғлашиллар, бўгин ва суюқлардаги оғриклар, дори турлари ва уларнинг тайёрланиши, шифобахш хусусиятлари атрофлича ёритиб берилган.

Анжуманда Абу Али ибн Сино таълимийнинг бугунги замонавий тиббиётдаги ўрни, олимнинг жигар касалликлари, гематология, халқ табоба-

бормоқдаман. Улуг аллома асарларини ўқир эканмиз, инсон ҳаётида соғлом турмуш тарзи нақадар муҳим экани ҳақидаги фикрлари ҳамма замоналарда ҳам долзарб бўлиб қолишига ишонч ҳосил қилдимиз.

Ҳа, инсон ҳаёти, унинг ижтимоий фаоллиги, жамият ва оилага нечоғли наф келтириши аввало соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, соҳани такомиллаштириш, шифохоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ибн Синонинг бой меросини ўрганишда Европанинг кўпбал мамлакатларида катта тажриба тўпланган, — дейди Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси Ш.Зокирхўжаев. — Биз бу борада Франция ва бошқа давлатлардаги ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатганимиз. Шарқ мамлакатлари билан амалий алоқаларимиз ҳам ривожланиб бормоқда.

Конференция иштирокчилари Абу Али ибн Сино номи билан аталувчи фаворалар хиббони очилишда қатнашди. Аллома таваллуд толган Пешку тумани Афшона қишлоғидаги тиббиёт касб-хунар коллежиди яратилган шароитлар ҳамда бобокалонимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи музей билан танишди.

Конференцияда Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсонов сўзга чиқди.

Эркин ЁДГОРОВ,
ЎЗА мухбири

АБУ АЛИ ИБН СИНО МЕРОСИ — БЕБАҲО ХАЗИНА

Абу Али ибн Сино ўзининг "Тибб қонунлари" асарида кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб берган. Ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган ушбу асар орқали буюк олим амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усуллари асос солган. Бу асар қарийб 500 йил давомида дунёнинг етакчи университетларида ўқиб-ўрганиб келинган.

Дарҳақиқат, Ибн Сино бутун дунё эътироф этган буюк даҳодир. Уйғониш даврининг улкан вакили Дантенинг "Илоҳий комедия" асарида чизилган суратда Ибн Сино Авиценна номи билан Гиппократ ва Галлен билан ёнма-ён бирга тасвирланган. Ватандошларимизда гурур уйғотадиган алоҳида жиҳати шундаки, Ибн Сино уларнинг ўртасида бошида тож кийган ҳолда тасвирланган. Демак, уни даҳоларнинг даҳоси, деб билишган. Ўтган асрда янги қауф этилган юлдузлардан бирига фалакитшунослар томонидан

ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улуг сиймолар ҳақида гап кетар экан, албатта, буюк ҳаким Абу Али ибн Сино номини тилга олмай ўтолмаймиз. Зеро, унинг асарлари бутун башарият маънавий мулкидир. ЮНЕСКО унинг номи билан Халқаро олтин медал таъсис этгани бежиз эмас.

— Абу Али ибн Сино IX-X асрларда фаолият кўрсатган Маъмун академиясини ташкил этишда Абу Райҳон Берунийга катта ёрдам бергани тарихдан яхши маълум, — дейди Тошкент тиббиёт академиясининг Ўрганч филиали профессори Бахтиёр Дўсчанов. — Мазкур академия олимнинг илмий фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Беш хилдан иборат машҳур "Тибб қонунлари" асарининг икки китобини айнан шу ерда няхосизга етказган.

"Тибб қонунлари"да касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, соғлом турмуш тарзи, оддий дори ва уларнинг таъсири, бош мия, ички ва ҳаракат аъзолари, безлар

ти, жарроҳлик борасидаги қарашлари, ёш авлод тарбияси билан боғлиқ мавзулар атрофлича муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Л.Тўйчиев, Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси, профессор Ш.Зокирхўжаев, Тошкент тиббиёт академияси профессори С.Аслонова ва бошқаларнинг мавзуга оид маърузалари тингланди.

Президентимиз шу йил май ойида Самарқандда ўтган халқаро конференциядаги маърузасида ёшларга қарата "Буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, гурурланишимиз керак. Айни пайтда фақат гурурланишнинг ўзи етарли эмас, келингллар, ўзимиз ҳам улар каби мана шу бебаҳо меросга ўз хиссамизни қўшайлик!", деган даъватлари бизга куч бағишламоқда, — дейди Бухоро давлат тиббиёт институти магистранти Равшан Боймуродов. — Мен бугунги кунда буюк бобомиз асарларида илгари сурилган узоқ умр кўриш — герантология йўналишида изланиш олиб

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ

жамият манфаатларига хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жумладан, "Ҳоким ва ёшлар" деб номланган учрашуларда 130 мингдан зиёд ўқувчи иштирок этиб, долзарб масалалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш, ёшлар муаммолари ва уларнинг ечимлари борасида ўз тақлифларини билдириш имкониятига эга бўлди. "Депутат ва ёшлар", "Сенатор ва ёшлар" номли учрашуларда эса минглаб ўқувчи-ёшлар Олий Мажлис палаталари фаолияти билан яқиндан танишиб, ўз билим ва тушунчаларини янада бойитди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказиб келинаётган "Сиз қонунни биласизми?" танловининг 2013-2014 ўқув йилида ташкил этилган босқичларида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг қарийб 55 минг нафар ўқувчиси қатнашди.

— Тўрт босқичда ташкил этилган мазкур танловда ўқувчи-ёшлар ўзларининг Президент асарлари ва ҳуқуқ соҳасига доир билимларини намойиш этди, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши бўлим мудири Илём Раҳимов. — Таъкидлаш ўринлики, танлов натижалари ёшлар мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиладиган, ўз келажагига таъсир кўрсатадиган ислохотларга бефарқ эмаслиги, бу борада уларнинг ўз мус-

тақил фикри, асосли мулоҳазалари борлигини кўрсатди.

Маълумки, жорий йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Шу боис ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини ошириш масаласига ҳар қачонгидан ҳам кўра қучлироқ эътибор қаратилмоқда. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури"да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, мамлакатимиз Конституциясининг 22 йиллиги муносабати билан ҳамда ёшларнинг сайлов тўғрисидаги тушунчаси ва миллий сайлов қонунчилигига доир билиминини кенгайтириш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий қафолати" лойиҳаси концепцияси ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжатга кўра ёшлар ўртасида Конституциянинг мазмун-моҳияти, эл-юртимиз ҳаётидаги ўрни, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг фаолиятига бағишлан-

ган учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилаётган. Шулар қаторида ёш сайловчилар, айниқса, бу йил сайловда илк бор қатнашадиган ёшларга сайловларни ташкил этиш жараёнларини тушунтириш орқали уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида ўрин ажратилган.

Бу борада тарғибот гуруҳлари шакллантирилиб, уларга Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат педагогика университети ҳуқуқшунослик ва ушбу соҳага дахлдор бўлган бошқа йўналишларда таҳсил олаётган иқтидорли талабалар ҳамда ёш ўқитувчилар жалб этилган. Шу билан бирга, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим муассасаларининг ёш ўқитувчилари ва илғор ўқувчи ва талабалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таълим муассасалари, қорхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлари етакчиларида иборат таркибда ҳудудий тарғибот гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, "Қамолот" ЁИХнинг интернетдаги сайтида "Ёшлар ва сайлов — 2014" лойиҳаси доирасида "Мен сайловга тайёрман" онлайн танловини ўтказиш кўзда тутилган. Сайловга оид янгиликлар эса election2014.uz субсайти орқали мунтазам ёритиб бо-

рилмоқда. Лойиҳа доирасида шунингдек, ёшларга сайлов қонунчилиги мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларни сайлов кампанияси жараёнлари тўғрисидаги маълумотлар билан таништиришга қаратилган "Бугун ўқувчи — эртага сайловчи", "Сенинг овозинг ҳал қилувчи кучга эга", "Мен биринчи марта овоз бераман!", "Ўз фуқаролик позициянгни намоён эт!" шиорлари остида буклет, плакат, баннерлар, ижтимоий роликлар тайёрлаш ҳамда уларни жойларга етказиш ишлари қизгин паллага кирган. Шу билан бир қаторда, таълим муассасалари ҳамда қорхона ва ташкилотларда ёшларни сайлов қонунчилиги билан яқиндан таништириш мақсадида "Ёш сайловчилар кунлари" ахборот акцияларини ташкил этишга тайёргарлик қўриляпти. Ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим муассасалари ўқувчилари, талабалари ўртасида "Мен сайловга тайёрман" мавзусида деворий газеталар, иншо-лар танловларининг ўтказилиши ҳам белгиланган.

Тарғибот тадбирлари доирасида ёш тарғиботчилар томонидан ҳудудларда ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари ва фаоллари учун ўқув-семинарлар босқичма-босқич ўтказилмоқда. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда видеоконференция шаклидаги очик мулоқотлар, адлия органлари, олий таълим муассасалари мутахассислари ва ўқитувчилар жалб қилинган ҳолда ўқувчи ва талабалар ўртасида "Мен сайловга тайёрман" мавзусида деворий газеталар, иншо-лар танловлари, "Бугун ўқувчи — эртага сайловчи", "Сенинг овозинг ҳал қилувчи кучга эга" каби мавзуларда тарғибот дарсларини ташкил этиш белгиланган.

Санжар РУСТАМОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТЛАРИ УЧУН КЕНГ ИМКОНияТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари тизими шаклланиши фуқароларнинг демократик ангавишлари ва модернизация жараёниларидаги иштирокини таъминлаш, жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини ўрнатиш, аҳоли қатламларининг кенг қўламли ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланди, — дейди Х.Мелиев. — Бу тизимнинг мамлакатнинг ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ долзарб масалалар, давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли тобора ортиб бормоқда. Бу, энг аввало, Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда фуқаролик жамиятларининг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришдаги ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган изчил ва босқичма-босқич демократик ислохотларнинг натижасидир.

Мустақилликка эришиш арасида республикада атиги юзга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд бўлган бўлса, уларнинг сони бугунги кунда саккиз мингдан ошди. Уларнинг фаолияти атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳиммага муҳтож қатламларни ҳимоялаш, спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ечишга қўмаклашишга қаратилган.

Замонавий демократик талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий база нодавлат нотижорат ташкилотлари жадал ривожланишининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиб, у ўз ичига 200 дан зиёд қонунчилик ҳужжатларини олади. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Надавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида»-ги қонунлар жамият ҳаётининг турли жаҳаллари — иқтисодиёт, маданият, гуманитар, ижтимоий соҳаларда фаолият юритаётган ННТ эркин фаолиятининг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилаётди.

ННТларнинг мустақил иш юритиши, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, ташкилий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда 2007 йил 3 январда қабул қилинган «Надавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонун муҳим аҳамият касб этди, у ННТ ва бошқа фуқаролик институтларини иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг институцион базасини шакллантириш бўйича ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга қўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Надавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамия-

тининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг ташкил қилиниши яна бир муҳим ҳодиса бўлди. У ҳар йили давлат бюджетини қабул қилиш жараёнида ажратиладиган ва унда алоҳида сатрда қайд этиладиган маблағлар ҳисобидан шаклланади. Жамоат фонди томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида ўтган даврда 37,7 миллиард сўм ажратилган.

— Фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтиришга оид қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Мамлакатимизда фуқаролик институтларини янада ривожлантириш қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари давом этмоқда. Бу жараёнда Адлия вазирлиги ҳам фаол иштирок этмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ва 2010 йил ноябрда парламент томонидан қўллаб-қувватланган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ушбу йўналишдаги ишларни фаоллаштиришга туртки бериб, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти қўламли, уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ваколатларини кенгайтиришда янги босқични бошлаб берди.

Хусусан, Концепцияни амалга ошириш доирасида янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»-ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун маҳаллани аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, жойларда ижтимоий дастурларни амалга оширишда унинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимида маҳалланинг вазифаларини янада кенгайтиришга йўналтирилган.

Кенг жамоатчилик муҳофазаси натижалари бўйича «Экологик назорат тўғрисида»-ги қонун қабул қилинди. Мазкур ҳужжат экологик назоратни, мамлакатимиз ҳудудларида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доир вазият мониторингини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтлари иштирокини янада фаоллаштиришга қўмаклашди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик институтларининг позициясини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди. Мазкур қонун аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқи, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тегишли қарорлар ҳақидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлайди. «Ижтимоий шериклик тўғ-

рисида»-ги қонуннинг қабул қилиниши нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ҳуқуқий тақомиллаштиришнинг мантикий давоми бўлди.

Таъкидлаш жоизки, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»-ги қонун қабул қилинишидан аввал миллий қонунчилик давлат органлари ва ННТлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни амалга оширишнинг умумий асосларини назарда тутувчи 30 дан ортиқ қонун ва 100 дан ортиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олар эди. «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»-ги қонунларда ижтимоий шериклик асосида давлат органлари ҳамда ННТлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қуришни назарда тутувчи қоидалар мавжуд, бироқ бу шериклини ташкил қилиш ва амалга оширишга доир меъёрлар муножаат қилиш характериға эрга.

Ҳокимият ва ННТнинг ўзаро алоқа шакллари, тамойиллари, механизмлари, шунингдек, икки томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи ягона кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатининг қабул қилиниши фуқаролик институтлари, ННТнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги самарали ва фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қонунда ижтимоий шериклининг асосий шакллари ва уни амалга ошириш тартиби, ижтимоий шериклини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, мазкур муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига кенг ўрин берилган. Унда ижтимоий шериклининг асосий соҳалари сифатида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳит ва аҳоли соғлигини сақлаш, барқамол авлоднинг шакллантириш, оналик ва болаликни, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва бошқа масалалар назарда тутилган.

Фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини рўйбга чиқаришда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ҳам мустаҳкамланди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат давлат ва жамиятнинг куч ва имкониятларини бирлаштириш ҳолда йўналтирадиган механизмларни яратди. Қонун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқаролик институтларини шакллантиришнинг ҳозирги босқичида юртимиз салоҳиятини ислохотларни амалга оширишга йўналтиришга шароит яратди. Зеро, барча саяҳат-ҳаракатлари сафарбар этиш орқалиги асосий мақсадимиз —

халқимиз учун муносиб ҳаёт шароитлари яратиш ва ҳаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимизни эгаллашга эришиш мумкин.

— Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорининг ижроси бўйича қандай ишлар амалга оширилди?

— Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллигини янада ошириб бориш, мамлакатни демократик ангавиш ва модернизациялаш бўйича ислохотларни амалга оширишдаги роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган ушбу муҳим қарорнинг қабул қилиниши халқимиз томонидан қўллаб-қувватланди.

Қарорга мувофиқ, 2014 йилнинг 1 январидан нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундирилаётган давлат божи миқдори 5 баравар, уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундирилаётган йиғимлар миқдори 2,5 баравар камайтирилди.

Эндиликда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида бўлинмалари (ваколатхоналари ва филиаллари)ни, шу жумладан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлганларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисоба олиш учун давлат божи ундирилмайди. Ногиронлар, факрийлар, хотин-қизлар ва болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи мазкур қарор билан тасдиқланган давлат божи миқдорининг 50 фоизи миқдоридан ундирилади.

Надавлат нотижорат ташкилотларининг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги муножаатлари адлия органлари томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганидек икки ой муддат ўрнига бир ой муддатда қуриб чиқилиши белгиланди. Шунингдек, қонунчиликдаги юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда уларни тугатиш учун асос бўлишини назарда тутувчи қоида нодавлат нотижорат ташкилотларига жорий этилмайди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ташкиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ҳамда тартиботларни янада тақомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида 2014 йил 10 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Қарор билан Надавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги, Надавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ҳамда

Надавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек, уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини акредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Қарорга асосан ННТларни рўйхатга олиш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар рўйхати ҳам қисқартирилиб, барча ҳужжатлар давлат тилида тақдим қилиниши белгиланган бўлиб, муҳими, нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби соддалаштирилди. Надавлат нотижорат ташкилотлари алоҳида бўлинмаларини ҳисоба қўйиш тартиби белгиланган бўлиб.

Айтиш жоизки, номи зикр этилган Президент қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигиға давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда халқаро шартномаларида мустаҳкамланган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан самарали назоратни таъминлаш чораларини қуриш вазифаси юкланди.

Айни пайтда ушбу вазифалар ижроси изчиллик билан бажарилмоқда. Бу жараёнда Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилинмоқда. Жумладан, иш режа-сиға асосан вазирлик томонидан давлат органлари фаолиятини ўрганиш ишлари амалга оширилиб, бу жараёнда улар томонидан нодавлат нотижорат органларининг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилишга асосий эътибор қаратилмоқда. Соҳа вакилларининг ҳуқуқий билим ва малакасини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини англаган ҳолда қонун доирасида фаолият юритиши учун кенг қўламли тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, фуқаролик жамиятининг ҳозирги ривожланиш даражаси, унинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини ҳорийий давлатлар билан қиёслаш миллий моделимизнинг ўзига хослиги, замон билан ҳамнафас ва барқарорлигини намоён этмоқда. Бунда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилгани ва уларнинг замон талабларидан келиб чиқиб янгилаб, бойитиб борилаётгани муҳим аҳамият касб этаётди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш — юртимиз истиқболи, ёруғ келажаги йўлида изчил фаолият юритмоқда.

ЎЗА мухбири
Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди.

2014-yil 8-noyabr, № 90 (8739)

Юртбошимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари чет тилини ўйин тарзидаги машғулотлар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида ўрганаётган бўлса, 2-синфдан алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришга киришди. Чет тили дарсликларни жажжи ўғил-қизларни қизиқарли савол-жавоб, интерфаол ўйинлар орқали хорижий тил оламига етаклаб, тинглаш, гапириш, ёзиш ва ўқиш кўникмаларини зўр иштиёқ билан эгаллашга ундамоқда.

Хўш, 2-синфларда хорижий тилларни ўргатишнинг ўзига хосликлари нималардан иборат? Болалар бир йўла уч-тўртта тилини (она тили, рус тили, инглиз (немис, француз) ва бошқа тилларни) ўрганишга қийналмаяптими? Ўқувчиларнинг чет тилларни ўзлаштириш кўрсаткичлари билан танишиш жараёнида ушбу саволларга жавоб ахтардик.

— 2014-2015 ўқув йилидан 2-синф ўқувчилари янги ўқув дарсликларидадан фойдаланган ҳолда чет тилини ўрганишни давом эттирмоқда, — дейди Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар бошқармаси бошлиғи Абдурахим Носиров. — Ўқув йилининг биринчи чораги бўйича 2-синф ўқувчиларининг хорижий тилларни ўзлаштириш кўрсаткичи ўрганилди. Таҳлил натижаларига кўра амалиётчи ўқитувчи ҳамда методист олимлар тақлифлари асосида яратилиб, хорижий эксперт ва тилшунослар ёрдамида такомиллаштирилган дарслик мажмуалари (ўқувчи китоби, ўқитувчилар учун методик қўлланма, мултимедиа иловалар) чет тилини ўқитишда педагогларга яқин кўмакчи бўлмоқда. Ўғил-қизларга чет тилларни ўйин ва қизиқарли машғулотлар асосида ўргатишни таъминлаш мақсадида педагогларга мунтазам равишда амалий методик ёрдам берилаяпти. Жумладан, 2-синф дарслик мажмуаси бўйича 36 соатлик малака ошириш курслари ташкил этилди. Фанни ўзлаштириш бўйича юзага келаятган муаммо ва камчиликлар экспериментатор ўқитувчилар томонидан ўрганилди. Шу асосда йил давомида таълим си-

фатини ошириш, малакали ўқитувчилар тажрибасини оммалаштириш, муаммо ва камчиликларни ҳал этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Мутахассисларнинг фик-

дарсларни ўйин тарзида ташкил этишдир. Ролли ўйинлар 9 ёшгача бўлган болаларнинг мавзуларни тез ўзлаштиришига ёрдам беради. Эгалланган билимларни амалиётда мустаҳкамлаш, ҳаётда қўллаш ҳам тил ўрганишда жуда муҳим. Бола хатосиз гапириши, нутқи раво бўлиши мумкин. Лекин шунга қарамай, мавзуни яхши ўзлаштирмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай вазиятларда “Ақлий ҳужум”, “Венн диаграммаси”, “Нилуфар гули” усулларидадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Айни пайтда пойтахтимиздаги 142-ИДУМнинг 2-синф ўқувчилари она тили,

лиз тили ҳафтасига уч соат фан сифатида, корейс тили эса қўшимча машғулот ўрнида ўтилаяпти. Ўқувчиларнинг мавзунини осон ёдда сақлаб қолиши учун чет тили дарслари биринчи сатта қўйилган. АКТ воситаларидадан фойдаланиб ўти-лаётган машғулотлар замонавий техник воситалар ва анжомлар билан жиҳозланган фан кабинетларида олиб борилмоқда. Энг асосийси, педагогларнинг мунтазам ўз устида ишлаши ва дарсни ўйинларга бой тарзда ўтиши ўғил-қизларнинг фанга қизиқишини кучайтирмоқда. Натижада жорий йилнинг биринчи чорагиданоқ ўқувчиларнинг

Qaror va ijro

тириш учун дидактик машқ, илгор педагогик технологиялардан фойдаланилди. Гуруҳларга бўлиниб ўтилган дарсда турли методлар ҳамда “Play”, “Bees”, “I’m a rabbit” ўйинлари болаларнинг диққатини жамлашда кўл келди. Сардорлар Нигора, Дилором, Раҳматулла ўз гуруҳларини жараёнда фаол иштирок этишга ундади. Педагог дарсда суст қатнашаётган Абдуллохни мавзуга қизиқтириш учун унга кўпроқ савол билан мурожаат этди. Дарс сўнггида ўтказилган савол-жавобда ўғил-қизлар билими текширилиб, баҳоланди. Қувноқ қўшиқ, ҳаракатли ўйин ва таркатма матери-алларга бой бўлган дарсда ўқувчиларнинг барчаси фаол қатнашди.

— “Kids’ English 2” дарслигидаги матнлар ҳам ўқувчиларнинг ёши, психофизиологик хусусиятларига мослаб тузилган, — дейди Дилрабо Нарзиева. — Мавзуларнинг кетма-кетлиги, расмлар ранг-баранглиги бола руҳиятига мос келади. Дарслик мажмуага қўшимча тарзда www.eduportal.uz сайтининг “Lesson plans”, “Teaching Kids” бўлимлари-дан олинган қувноқ қўшиқ ва шеърлардан ҳам унумли фойдаланаяпмиз. Натижада ўқувчилар билими мустаҳкамланиб, миллий ҳаёт тарзими, ўзбекона урф-одатларимиз ифодаланган машқлар орқали уларни ва-танпарварлик руҳида тарбиялашга ҳамда мавзунини қийинчиликсиз ўзлаштиришга эришяпмиз.

Қуйи синф ўқувчисининг эътиборини дарсга жалб этиш, унга мавзунини тушунтириш бир қарашда осондек туюлади. Лекин уларга хорижий тилни ўргатиш педагоглардан юксак маҳорат ва малака талаб этади. Таъкидлаш жоизки, бугун бу каби муаммоларга соҳа мутахассислари, олим ва амалиётчи ўқитувчилар томонидан ечим топилмоқда. Натижада 2-синф ўқувчилари ҳам чет тилини ўрганишда жиддий қийинчиликларга дуч келмаяпти.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
“Ma’rifat” муҳбири

ҚУВНОҚ ҚЎШИҚ ВА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР

2-синф ўқувчиларининг чет тилини осон ўзлаштиришига ёрдам бермоқда

рича, кичик ёшдаги болалар жўровозда қўшиқ қўйласа, матндаги сўзлар хотирасига тез муҳрланар экан. Педагоглар чет тили фанини осон ўргатиш ҳамда ўқувчиларни толиқтирмаслик учун дарсда ҳаракатли ўйинларни кўпроқ қўлламоқда. Бу усул болаларнинг чет тилини ўрганишга қизиқишини оширишда, айниқса, қўл келаяпти.

— Тадқиқотлардан маълумки, 7-8 ёшли боланинг механик хотираси мантикий хотирага нисбатан кучли бўлгани учун эслаб қолиш имконияти катта бўлади, — дейди психология фанлари номзоди Шоҳиста Самарова. — Шу боис қуйи синф ўқувчилари сўзларни осон ёдлайди. Аммо маълумотларни ҳақдан зиёд қўл қабул қилиш бола миясини толиқтиради. Табиийки, бу ўзлаштиришни ҳам пасайтиради. Қўп ҳажмли ахборотнинг қуруқ ва зерикарли тарзда етказилиши, ўқувчиларнинг дарсни яхши тушунмаслигига олиб келади. Бу муаммонинг ечими

рус тили, инглиз ва корейс тилларини ўрганмоқда. Уларга тажрибали ва малакали педагоглар бириктирилган. Мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Мухаррам Хўжаева бу борада шундай дейди:

— 2013-2014 ўқув йилида бошланғич синфга қабул қилинган 154 ўқувчининг психологик ҳолати ва чет тилини ўзлаштириши доимий ўрганилиб, таҳлил қилиб борилди. 1-“Г” синф раҳбари бўлганим боис барча фанлар бўйича ўғил-қизларнинг кўрсаткичларини рейтинг дафтарига қайд қилиб бордим. 1-синфда она тили билан бирга инглиз ва рус тилини ўрганаётган болаларда биринчи чорадаёқ фанларга қизиқиш орди. Иккинчи чорада алифбо ва ёзув дарсларини ҳам эътибор билан кузатдим. Ўқувчиларнинг ҳарфларни ўқиш ва ёзишда адашиб кетиш ёки чалкаштириш сезилмади. Йил якунига келиб, уларда хатосиз ёзиш малакаси шаклланди. 2-синфдан эса инг-

ўзлаштириш кўрсаткичи 95 фоизга кўтарилди.

Таълим муассасасида тилларни ўқитишда аудио ва видеоматериаллар, мултимедиа воситаларидадан унумли фойдаланилмоқда. Педагоглар ўз ижодкорлиги, билим ва маҳоратини ишга солиб, замонавий дарс услубларини амалиётга татбиқ этаётди. Ўзига хос тажрибага эга педагог Дилрабо Нарзиеванинг 2-“Г” синфидан ўтказган инглиз тили дарсини кузатдик.

Кўнгиноқ чалиниб, дарс бошлангач, муаллима болалар билан саломлашиб, санани сўради, давоматни аниқлаб олди. Навбатчи «Who is on duty today?», «What is the date today?», «What is the day today?» каби саволларга аниқ ва лўнда жавоб берди. Педагог дарсининг ташкилий қисмидан сўнг янги мавзуга оид кўргазмалар воситаларни доскага жойлаштирди. Сўнгра ўқувчиларга “Артикл-” ҳақидаги умумий тушунчаларни бериб ўтди. Янги мавзунини осон тушун-

ДАРСЛАР ОНЛАЙН ТАРЗДА ТАҲЛИЛ ЭТИЛАДИ

Нурота туманидаги 58та умумтаълим мактабидан 1—2-синфларга чет тилини самарали ўқитиш учун 90 нафарга яқин педагог жалб қилинган ҳамда махсус чет тили ўқув хоналари ташкил этилган. Чет тили фани ўқитувчиларининг “ZiyoNET” таълим порталидан кенг фойдаланётгани дарс жараёнига илгор педагогик технологияларни жорий этиш имконини бермоқда. Туманда илгор таълим муассасаларининг иш тажрибаси оммалаштирилаётгани ҳам таҳсинга лойиқ.

Яқин кунларда чет тили дарсларини онлайн тарзида тўғридан-тўғри вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтини ҳамда вилоят

халқ таълими бошқармаси мутахассислари эътиборига ҳавола этиш, дарс таҳлилини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу дарс жараёнидаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, ютуқларни оммалаштиришга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, болалар мактабгача таълим муассасасидаёқ чет тилини ўйин тарзидаги машғулотлар асосида ўрганиб, ўзини тани-

Tashabbus

тириш, ҳафта кунлари ва йил фасллари санаш каби бошланғич билимга эга бўлаяпти. Қувноқ ўйинлар мактабда давом эттирилиб, мултимедиа технологиялари ва интерфаол усуллардан фойдаланилмоқда. Инглиз тилидаги видеодастурлар, мулфильмлар, ранг-баранг расмлар, қўшиқ ва шеърлар болаларга манзур бўлаётир.

Тумандаги 18-, 58-умумтаълим мактабларида чет тилларни ўқитиш борасида бой тажриба тўпланган. Бу таълим муассасаларида барча зарур техник воситалар ҳамда кўргазмалар қуруллар билан таъминланган учтадан инглиз тили хонаси мавжуд. Мактаб педагоглари дарсда замонавий техника воситалари, ўқитишнинг янги шакл ва услубларидан унумли фойдаланаяпти. Бу эса дарсларнинг янада самарали бўлишига ёрдам бериб, ҳар бир ўқувчининг чет тилидаги нутқини раволаштиришга, сўзларни кўпроқ ёд олишига имкон яратмоқда.

Тимур РЎЗИЕВ,
Нурота тумани ХТМФМТТЗ
бўлими мутахассиси

Хар қандай янгилик одамларнинг ички эҳтиёжига айланб улгурган бўлсагина, оммавий равишда қабул қилинади. Касб-хунар коллежларини ёшларимиз таълим тизимининг муҳим бир босқичи сифатида алоҳида масъулият ва қизиқиш билан қабул қилишди. Бу масъулиятни қайси таълим муассасига борсак ҳам дарров сезамиз. Чилонзор коммунал хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи фаолияти билан танишар эканмиз, бу фикрга яна бир бор амин бўлдик. Коллежда ўқувчилар молиячи, бухгалтер, компьютер ва компьютер тизимларини созлаш ва таъмирлаш техниги, кенг асортиментдаги кийимлар модельер-конструктори, миллий ва хорижий таомлар ошпази, меҳмонхона ва ресторан хизмати менежери, сартарошлик ва декоратив косметика устаси, лифт ва кўтарма механизмларни таъмирлаш ва созлаш техниги, сув, газ тизимларини созлаш ва таъмирлаш устаси, ёғоч ва мебель ишлаб чиқариш устаси, металлларга ишлов бериш механизми касблари бўйича тахсил олишяпти. 24та турли хил тўғаракларда билимларини амалда мустақамлашмоқда.

Билимсиз юксакка чиқа олмайди

— Касб-хунар коллежи ўқувчилар эзгу туйғулар, умуминсоний қадриятлар ва касб-хунар кўникмаларини мустақамлайдиган муқаддас маскан, — дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Актам Қодиров. — Ўқитувчи ва мураббийларимиз ўқув ва тўғарак машғулотида ўғил-қизларга янги давр талабларига мос тушуниш ва касб-хунар синаотларини ўргатишга жиддий эътибор қаратишмоқда. Шу билан бирга, мавзулар баёни давомида «Инсоннинг киймати эмас сийму зар, инсоннинг зийнати илм ва хунар», «Хунари бор хор бўлмас», «Хунар — оқар булок, илм — ёнар чироқ», «Илмсизга ишонч йўқ, хунарсизга қувонч йўқ», «Қунт билан ўрган хунар, хунардан ризкинг унар» каби ҳикматли сўзларни қўллаб, хунарли инсон ҳеч қачон кам бўлмаслигини таъкидлашади.

— Касб-хунар эгаллаш — юксак чўққига чиқишдек гап, — дейди коллежнинг умумтаълим фанлари кафедраси мудири Дилноза Бадриддинова. — Бунинг учун ўқувчи ўқув дастуридаги барча фанларни чуқур ўзлаштириб бориши зарур. Назарий билимсиз юксакликка кўтарилиб бўлмайди. Бу ҳақиқатни яхши англаган фан ўқитувчилари Дилдора Ойматова (физика), Раъно Мирюусова (рус тили), Нозима Бекова (тадбиркорлик фани) ўқувчиларнинг истезодот кираларини очиш, улар қалбида касб-хунарга садоқат туйғуларини уйғотиш йўлида тинимай ишлянишяпти. Ёш ўқитувчилар учун очик ўқув машғулоти ташкил этилмоқда. Таълим тизимига янги педагогик технологияларни татбиқ этиш, услубий ишларни бажариш бўйича ибратли саъй-ҳаракатлар амалга ошириляпти. Коллеж жамоаси иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар, илмий-ўқувий анжуманларда кафедраларда жорий этилаётган янгиликлар, илгор ўқитувчилар тажрибалари, фан ва коллеж устахоналарини жиҳозлаш, ўқувчи-

Зиёдадиннинг фикридан ҳам кўриниб турибдики, касб-хунар коллежларини ҳаёт мактаби деб ҳам айтиш мумкин. Қувонарлиси, коллеждаги таълим-тарбия жараёнига ота-оналар ҳам бефарқ эмас.

— Ўғлим Одилбек ошпазликка меҳр қўйган, — дейди унинг отаси Баҳодир Исмоилов. — Ҳозир у коллежда миллий ва хорижий таомлар ошпази йўналиши 3-босқичида таълим оляпти. Бу ердаги шарт-шароитлар, ўқув жараёни, амалиёт ўтадиган вақтлар — ой, кунларини аниқ биламан. Ўғлимнинг юриш-туриши, касбий фанларга муносабати, ойдан ойга умумий, касбий ўсиши, қайси тўғаракка қатнашаёт-

ий ҳаётни техника ва компьютер технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Коллеж битирувчиси Рустам Абдулазизов шу хусусда фикр юритар экан, Чилонзор коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи компьютер ва компьютер тизимларини созлаш ва таъмирлаш техниги йўналишида ўқиганини айрича ифтихор билан қайд этади.

— Айни пайтда Тошкент автомобил ва йўллар институтининг информатика ва ахборот технологиялари факультетида компьютер бўйича мутахассис вазифа-

унча-мунча тикишларга қўлим келади.

Муслима келажақда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида айнан шу йўналишда билим ва малакасини ошириш ниятида. Орзуси — институтни тамомлаб, миллий матолардан ҳар хил услубдаги либосларни яратиш. Муслиманинг орзуси рўёби баланд тоғлар ортида эмас. Чунки миллий бичимга замонавийликни уйғунлаштириш борасида юртимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

— Таълим олиб хунар эгаллаш жараёнида тикувчилик сир-синаотларини ўргандим, — дейди Гулбаҳор Раҳимова. — Ҳозир «Шайхонтоҳурекстиль» қўшма корхонасида ишляпман. Меҳнатимга яраша маош тўлашяпти. Ишдан кейин қўшниларим мурожаат қилиб туришади. Қизим ёки набирамга у-бу нарсани ўргатинг ёки тикиб беринг, дейишади. Авваллари оддийгина Гулбаҳор эдим. Энди Гулбаҳор чевар деб чақиришяпти. Биттагина шу «чевар» сўзи менга қанча гурур ва масъулият бахш этади.

— Ёшларимиз яратилган қулайлик ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда касб-хунар ўрганса, келажақда хузурини кўради, эъзоз топади, — дейди коллежнинг ишлаб чиқариш таълими устаси Исмоил Аюпов. — Бунга 35 йиллик фаолиятим давомида ўзим амин бўлганман. Сантехниклик, электр ва газ пайвандчилик, монтаж қилиш, вентиляция ускуналарини таъмирлаш қўлимдан келади. Бу касб эгасига доимий иш топилади. Шунинг учун биланларимни ёшларга ўргатаман.

Касбимиз тақозоси билан туман газ, сув таъминоти корхоналари, уй-жой ширкатларида бўламиз, баъзиларида номутахассис ходимлар фаолият юритишяпти, биз тайёрлаган кадрларга эҳтиёж сезишяпти. Шу боис коллежimizда газ, сув тизимларида кадрлар тайёрлайдиган янги йўналиш очилди. Ҳозир гуруҳimizдаги ўқувчилар сантехника, слесар-созловчилик ишларини кунт билан ўрганишмоқда. Хали улар «Тошкентгаз», «Оқовасув» корхоналари, тозалаш иншоотлари, сув таъминоти цехларида амалиёт ўташади. Муҳими, бу касб этагини тутганларда ишга жойлашиш мумаммоси бўлмайди.

Касб-хунар коллежида гўзал бир ёшлик оламида юргандек бўлдим. Бу олам менга мустақил ҳаётнинг олтин остонаси бўлиб кўринди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири
Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ҲУНАР ЎРГАНГАН, ҲУЗУРИНИ КЎРАДИ



ларнинг дарсдан кейинги вақтларини самарали ўтказиш, ота-оналар билан ҳамкорлик бўйича қилинаётган ишлар атрофлича таҳлил этилади. Энг яхшилари омалаштиришга тавсия этилади.

Хунар — зар

— 2012 йили Шайхонтоҳур туманидаги 186-мактабни битиргач, ўз қизиқишим ва ота-онам, ўқитувчиларим маслаҳати билан Чилонзор коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг сартарошлик ва декоратив косметика устаси мутахассислигига ҳужжат топширдим, — дейди Зиёда Убайдуллаева. — Ҳозир бу ерда сартарошлик касби сир-синаотларини чуқур ўзлаштиряпман. Инглиз тили, спорт тўғаракларига ҳам қатнашяпман. Келажақда ўз ишимнинг устаси бўлиб, устозларим, ота-онам ишончини оқлаш мақсадида ишлянаман. Пишириқлар пишириш, салатлар тайёрлашга ҳам қизиқаман. Касб-хунар масканimizда бунинг учун шароитлар етарли.

гани — ҳеч бири назаримдан четда эмас. Келажақда фарзандимнинг қўли гул хунар эгаси — моҳир ошпаз бўлишини хоҳлайман. Аслида, ошпазлик, айниқса, миллий таомлар пазандаси бўлиш ҳам миллат тарғиботчиси бўлишдек бир гап. Яхши ошпаз яхши санъаткор, яхши спортчидек халқ шухратини узоқ-узоқларга таратиши мумкин.

— Таом тайёрлаш ҳам ўзига хос санъат, — дейди миллий ва хорижий таомлар ошпази йўналиши ишлаб чиқариш таълими устаси Дилфуза Умархўжаева. — Ошпазлик ўта зийракликни, дид-фаросат, ўқув ва малакани, қолаверса, ўзига хос меҳрни талаб этади. Ҳозир гуруҳimizдаги ўқувчилар ҳар бир таомнинг мазаси, таъми, кўриниши, қуюқлигию суюқлиги эътибор қаратган ҳолда тоза, чиройли идишларда ҳўрандаларга тақдим этиш тартиб-қоидаларини ўрганиб боришяпти. Бунда ёшларга шахсий гигиена, тозалик ва озодаликка қатъий риоя қилиш зарурлигини эслатамиз.

Ҳозирги кунда ижтимо-

сида ишляпман, — дейди у. — Коллежда ўқитувчиларим ёрдами билан ҳам назарий, ҳам амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштирдим. Ўз ўрнида устозларим Гулҳеҳра Омонтўраева ва Меҳрош Тошпўлатовга миннатдорлик билдираман. Улардан олган билимларим иш жойимда асқотаяпти. Энг муҳими, ота-онам танловим тўғри бўлгани ва оила бюджетига хисса қўшаётганимдан миннатдор.

Момолардан мерос касб

Каштачилик, тикувчилик авлоддан авлодга ўтиб келаятган ноёб хунарлардан саналади. Оилада қиз туғилса, онасининг ёрдамчиси бўлади, дея қувонишади. У вояга ета бошлагани сайин қўлига игна туттишади, яхши ният билан, илоё, чевар бўлгин, деб дуо қилишади.

— Бу касбни танлашимга бувижоним сабабчи бўлган, — дейди ўқув даргоҳининг 3-босқич ўқувчиси Муслима Абдухалилова. — Бувижоним мендаги қизиқишни кўриб, тикувчиликни аста-секин ўргата бошладилар. Ҳозир

2014-yil 8-noyabr, № 90 (8739)

“Баркамол авлод” Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида анъанавий “Болалар ва сув” фестивалининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Ёш авлодда экологик маданиятни шакллантириш, айниқса сувни исроф қилмаслик, чучук сув муаммо-

лари иштирок этди. Ҳар бир вилоят жамоаси тўрт нафар ўқувчидан иборат бўлиб, сув мавзусига бағишланган экологик расмлар танлови, экологик фикрлаш, сув ва маҳаллий муаммолар, экологик сахна кўриниши шартлари бўйича ўзаро беллашишди.

Тантанали очилиш маро-

япти. Бу расмнинг бир томонида мен ана шу ифлос сувдан зарарланган дала-лар, дарахт ва гулларнинг қовжираб, сўлиб қолганини, бир томонда ундан оқилонга фойдаланиш натижасида яшнаётган боғларни тасвирлашга ҳаракат қилдим. Истагим, юртимизнинг ҳар бир гўшаси гуллаб-яшнасин,



Бухоролик ўқувчилар сувни тежаш учун ундан қайта-қайта фойдаланишни, Хоразм ва қорақалпоқлик ўқувчилар Орол муаммосини бартараф этиш учун унинг атрофида боғ-роғлар яратиш таклифини билдиришди.

— Сув ва ундан оқилонга фойдаланиш дунё микёсидаги долзарб муаммолардан биридир, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методика маркази методисти Шаҳрибону Бозорова. — Ўқувчиларнинг чиқишлари орқали улар он-гидида сувга нисбатан юксак

маданият шаклланишига гувоҳ бўлди. Дунёнинг бир бурчагидида тенгдошининг бир томчи сувга зор экани ҳақида жон куйдириб гапираётган ўқувчининг ўзи ҳам сувни тежаб ишлатишига асло шубҳа йўқ.

Фестиваль доирасида болаларнинг ижодий ишлари ҳамда деворий газеталар кўргазмаси ташкил этилди.

1-ўрин Бухоро вилояти жамоасига насиб этди.

Райҳона ХУЖАЕВА, “Ma'rifat” мухбири

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

«БОЛАЛАР ВА СУВ»

экофестивалининг республика босқичи якунланди

симида сўнг, жамоалар шартларни бажаришга киришдилар.

Алоҳида хонада расм чи-зиш шартини бажарётган болаларнинг ишини томоша қилдик. Улардан бирининг ранг-баранг бўёқларда акс эттирилган табиат манзараси эътиборимизни тортди. Ўзини Чарос Неъматова дея таништирган қашқадарёлик ўқувчи чизган расмини шундай таърифлади: Сувимизнинг ифлосланишига заводлардан чиқаётган ҳар хил чиқиндилар ҳам сабаб бўла-

юртдошларимиз сувнинг ҳар томчисини қадрлаб ишлат-син.

Сув ва маҳаллий муаммо-лар шартини ҳар бир гуруҳ ўзи яшаб турган ҳудуд, мактаб ва тўғарақдаги машғулотларда бу муаммони ечиш учун амалга ошираётган ишларини сахна кўринишлари ва слайдлар ёрдамида кўрсатишди. Бу билан улар гарчи ҳали бола бўлса-да, экология ва таби-атга нисбатан эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муноса-батда бўлишни англаб етган-ликларини исботлашди.

си ва ундан самарали фой-даланиш ҳақидаги билимла-рини бойитиш мақсадида ташкил қилинган мазкур фе-стивалда вилоятлардаги “Баркамол авлод” болалар марказларининг экология йўналишидаги тўғарақ аъзо-

Боланинг одоби, атрофдаги воқеаларга муносабати, ўқиш-ўрганишга иштиёқи, ўзини тутиши таълим-тарбия мевасидир. Муаллим дарс беришдан ташқари, шахсий ибрати билан ҳам ўқувчи-ларда эзгу фазилатлар шакллани-шига доялик қилади.

Таърибали педагоглар таъкидлага-нидек, ёш авлод тарбияси алоҳида кунт, маҳорат талаб этади. Назарим-да, қуйидаги шахсий фазилатлар пе-дагогик фаолият учун жуда муҳимдир:

— дарс давомида турли илғор ме-тодларни қўллаш маҳорати ва мультимедиа воситалари орқали дарс маз-мунини очиб бериш кўникмасига эга бўлиш...

Ўқитувчи ўз фанини қанча мукам-мал билса, мавзунини шунча содда-лаштириб, ўқувчи учун тушунарли қилиб ўтади. Соддалик ва тушунарлилик бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, ўқитувчи ҳар бир дарсида бунга амал қилиши, шунга тайёр бўлиши лозим. Бунинг учун эса ўз соҳасини мукам-

ҚОБИЛИЯТ ВА МАҲОРАТ УЙҒУН БЎЛСА

— ўқитувчини тушуна билиш, ўзига хос характери-ни тўғри қабул қилиш, билим даражаси ва ахлоқий сифат-ларини ҳолис баҳолай олиш;

— ўқувчиларнинг фанини яхши ўзлаштириши ва дарс хотирасида узоқ сақланиб қолиши учун мавзунини тушу-нарли қилиб етказиш, ҳаётга боғлаб ўқитиш;

— болаларни ишонттира билиш, уларга ижобий-тарбиявий таъсир ўтказиш;

— билимга иштиёқини ошириш мақсадида ўқувчини мунтазам раба-лантириб туриш;

мал билишдан ташқари, қомусий билимлар ҳам талаб этилади.

Замон билан ҳамнафаслик, компь-ютер саводхонлиги бугунги педагог учун жуда муҳим. Бойси, электрон дарслик, мультимедиа воситаларидан унумли фойдаланиб ўтилган дарс қизиқарли бўлади, қўшимча манбалар мавзу моҳиятини янада равшанроқ очиб беради. Бу эса ўқувчининг фан-га қизиқишини оширишда муҳим омиллардан саналади.

Азиза ХУЖАМБЕРДИЕВА, Бахмал туманидаги 78-ИДУМнинг бошланғич синф ўқитувчиси

НАМУНАЛИ ЗИЁ МАСКАНИ



Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги Заркент агросаноат касб-хунар коллежининг ахборот-ресурс мар-кази хамиша китобхонлар билан гажм.

Давлатимиз раҳба-рининг 2006 йил 20 июн-да қабул қилинган “Рес-публика аҳолисини ах-борот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги

қарорига мувофиқ таш-кил этилган марказ энг илғор ахборот техноло-гиялари билан жиҳоз-ланган. Бадий, сиёсий, умумтаълим, турли фан-ларга оид минглаб ада-биёт фондига эга мар-каз уч мингга яқин кит-обхонга хизмат кўрсат-моқда.

Суратда: Тошлоқ туманидаги Заркент агросаноат касб-хунар коллежи ўқув-чилари Гулшаной Каримова, Рухсора Бегматова ва Исмигул Абдуваҳобова.

ЎЗА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

МЕТОДИК ТАВСИЯЛАРГА БОЙ

“Бошланғич таълим” журналининг янги — 10-сонини ўқувчилар қўлига етиб борди. Журнал са-ҳифаларидан ўрин ол-ган “Муносабат”, “Замонавий ўқитувчи қиёфа-си”, “АКТ билан сўзла-шув”, “Мутахассис мас-лаҳати”, “Методика”, “Английский язык” каби руқнларда педагоглар учун фойдали фикр ва методик тавсиялар бе-рилган. Жумладан, “Бо-лага меҳр ва эътибор зарур”, “Имиж яратиш-да арзimas жихат бўлмайди” мақолалари-да ўқитувчи учун муҳим шахсий ва касбий фа-зилатлар ҳақида сўз бо-ради.

Мамлакатимиз Конс-титудияси қабул қилин-ган кунга бағишланган тадбирини ўтказишга оид тавсия, ўзбек, рус ва инглиз тилидаги дарс ишланмалари пе-дагоглар фаолиятида асқотиши шубҳасиз. Бошланғич синф ўқув-чиларининг билим са-лоҳияти ва фикрлаш қобилиятини оширувчи интерфаол усуллар “Компьютер саводхон-лиги эзгуликка хизмат қилсин”, “Жисмоний тарбия дарсларида АКТ” мақолаларида ва “Поиграем в экономи-ку” ҳамда “Три игры на развитие памяти у школьников” интеллек-



туал ўйинларида ўз ифодасини топган. Журналхонлар мўто-лаа жараёнида хорижий таърибалар билан ҳам танишиши мумкин.

Гулюз ОРИФЖОНОВА

Jurnallarni varaqlaganda

ДОЛЗАРБ ФИКРЛАР ЗАЛВОРИНИ ЮКЛАБ...

“Тил дунёни ўзига хос тарзда қуриш, билиш, ид-рок этиш ва англаш, айна пайтда, бошқаларга тайинли таъсир этишининг қудратли қуроли экан, бу қуролга чинакам ва садо-қатли соҳиб бўлмоқ ин-сонлик рутбаси ва ягона қавмлик туйғусининг ти-риклиги учун муштақам заминдир”. “Тил ва ада-биёт таълими” журна-лининг 10-сонини тилшунос олим Нисомиддин Мах-мудовнинг “Тил — бемисл ва муштам саноат” мақоласида шу каби фикр-ларни ўқийсиз.

Саҳифаларни varaqlab, “Кўп билим-моқ илми”, “Адабиётимиз сиймола-ри — фахримиз”, “Азиз асримизнинг азиз онлари...” каби мақолалар билан танишасиз. “Электрон дарслик



— таълим самарадорлиги-ни оширувчи восита” ма-қоласида таълим тизими-ни янги сифат босқичига кўтаришда беқиёс аҳамия-тта эга бўлган электрон дарсликларнинг аҳамияти хусусида сўз юритилади.

Журналда чет тили бўйича билимларни мус-таҳкамлашга йўналтирил-ган материаллар ҳам бе-рилган. “Келинг, инглиз тилини ўрганамиз!” мақо-ласи грамматикага оид билимларни бойитишга кўмаклашади.

“Теоморфик метафора нима?”, “Фраземаларнинг шакл ва маъно муносабати”, “Мотивлари ўз элида қолиб кетган исмлар” каби тадқиқот мате-риаллари ҳам ўқувчини бефарқ қол-дирмайди.

Илхом ЖҲРАЕВ

Бугунги кунда айрим шаҳарларда аҳолининг зич жойлашганлиги, тураржой биноларининг кўпайиб бораётгани ободонлаштириш ишлари ва ҳавонинг муссаффолигини сақлашга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Шаҳар ландшафтини яхшилашга яшил ўсимликлар билан қопланган майдонлар ўрнига қурилаётган кўп сонли бинолар тўққинлик қилапти. Аммо инсонлар бундай муаммоларнинг ҳам ечимини топиб боришмоқда. Тараққиёт инсонни изланишга, имкон топишга ундайди. Эндиликда бевосита ерда эмас, балки, биноларнинг томида сунъий яшил майдонлар ташкил этилмоқда.



Мутахассисларнинг фикрича, томда экин майдонлари ташкил этиш ва маҳсулот етиштириш табиатга бўлган қарашни ўзгартириш билан бирга, очик осмон остида қад ростлаётган биноларнинг қурилишига ҳам тўққинлик қилмайди. Аграр ҳўжалик билан шуғулланувчи аҳолидан фарқли равишда, шаҳарликлар биноларнинг томида ташкил этган яшил майдонлар жонли табиатни ҳис этишларига ёрдам беради.

Шуниси эътиборлики, томда маҳсулот етиштириш



чиқиш мақсадга мувофиқ. Аввало, бир қатор омилар билан биргаликда, тупроқнинг қалинлиги ҳам ўрганилади. Ноодатий томорқалар-

ли худудга тўғри келишидир.

Америкалик фермер Патрик Мартинснинг таъкидлашича, томдаги томорқалар шаҳарда истиқомат қилувчи инсонларга ҳам янги узилган мева ва сабзавотлардан баҳраманд бўлиш имконини беради. Бугунги кунда дунёнинг қатор мамлакатларида биноларнинг томида маҳсулот етиштирувчи фермерлар вужудга келмоқда. Жумладан, АҚШнинг Бруклин шаҳри «Eagle Street» кўчасидаги 15 метрли бино томидаги 750 квадрат метр худудда ферма ташкил этилди. У Америкадаги биринчи томдаги томорқа ҳисобланади. Фермер Анни Новакнинг айтишича, мазкур худудда 20—25 турдаги мева-сабзавот етиштирилмоқда. Бугунги кунда ҳатто ресторанлардан ҳам маҳсулот етказиб бериш бўйича тақлифлар тушмоқда. Куинсдаги «Brooklyn Grange» фермаси ҳеч қандай кимёвий моддалардан фойдаланмаган ҳолда маҳсулот етиштириб беради. Трент университети томида ташкил этилган боғ ҳам тала-

ТОМДАГИ ТОМОРҚАЛАР

шаҳарликларга янги узилган мева ва сабзавотлардан баҳраманд бўлиш имконини беради

антик даврлардан бери мавжуд. Манбаларда келтирилишича, унинг илк кўринишлари Месопотамия ва Римда юзага келган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида келиб Германияда боғ ташкил қилиш борасида замонавий технологияларнинг ишлаб чиқилиши билан томдаги томорқа яратилишининг бугунги кўринишларига пойдевор қўйилди. Ҳозирги кунда биргина АҚШнинг ўзида айни шу масала билан шуғулланувчи 10та илмий-тадқиқот маркази мавжуд. Яна 40дан ортиқ мамлакатларда ҳам бу борада изланишлар олиб боришмоқда. Унинг замонавий методикаси бир неча юз йиллик тажриба асосида шаклланиб келган. Бугунги кунда том ёки бинолар ичида яшил ўсимлик экилган худудни «ноодатий боғ ёки томорқа» деб аташ мумкин.

Мазкур худудлар нафақат декоратив томондан, балки у ерда етиштирилган маҳсулотлар маҳаллий аҳолининг озиқ-овқат билан таъминлаши, бино архитектураси сифати ошиши, атроф-муҳит муссаффолигига ҳисса қўйиши билан ҳам аҳамиятли. Канада Миллий Тадқиқотлар Кенгаши (National Research Council of Canada) мутахассислари изланишлари шуни кўрсатмоқдаки, устида боғ ташкил қилинган биноларнинг табиий ҳарорати одатийларидан фарқ қилади. Олимлар бир вақтнинг ўзида ҳар икки бинода маҳсус текширув ўтказиб, устида боғ ташкил қилинган бинонинг табиий ҳарорати бирмунча юқори эканини аниқлашди. Бу эса иситиш билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олади ва, ўз навбатида, энергия сарфини ҳам камайтиради. Бундан

ташқари, яшил боғлар иссиқлик радиациясига қарши самарали натижани кўрсатган.

Яна бир тадқиқот ҳулосасига кўра, яшил майдонлар бинода яшовчиларни шаҳар шовқини ва совуқдан ҳам асрайди. 2005 йили Торонто университети олимлари ўтказган илмий тадқиқотда том устида яшил ўсимликлар экиш, совуқ иқлим шароитида тураржой иссиқлигини 15—19 фоизгача ошириши ифлосланишининг олдини олади. «Яшил томлар»даги экинлар намликни ўзида ушлаб қолиш хусусиятига эга бўлгани учун қор-ёғирлардан қолган оқова сувлар микродорини ҳам камайтиради.

Боғ ташкил этишни биласизми?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, томда боғ ташкил қилишнинг икки хил усули мавжуд: интенсив ва экстенсив. Интенсив усулда инсонлар том устида одатдагидек экзотик боғ ташкил этиб, бемалол ҳордиқ чиқариши, яшилликдан баҳраманд бўлиши мумкин. Экстенсив усул эса кўпроқ деҳқончилик қилиш учун мослаштирилгани, яъни турли сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилиши боис бу майдонларга ҳамма ҳам боравермайди. Томда ўсимлик парваришларининг уч хил кўриниши мавжуд. Улардан бири контейнер боғдорчилик бўлиб, анча арзон тушиши билан ажралиб туради. Унда том усти ҳолатига бироз ўзгартириш киритилади, холос.

Масалан, идишларга, катта-катта тувакларга тупроқ соғлиб, бир неча ўсимлик етиштириш мумкин. Иккинчи кўриниш эса том устини тўлалигича экин майдонига айлантириш ҳисобланиб, бунинг учун керакли шарт-шароитни юзага келтириш талаб этилади. Учинчи усул ҳам кўра, томдаги маҳсулотлар иссиқхона шароитида етиштирилади. Бунда турли-туман сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш кўзда тутилади.

Таъкидлаш керакки, том устида яшил майдон ташкил этиш, энг аввало, тупроқ қалинлигига боғлиқ. Шу билан бирга унга бериладиган ўғит ва эътибор ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, том саҳни катта, мустаҳкам, иш олиб бориш учун ишончли ва керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Мазкур яшил майдон нима мақсадда ташкил этилаётганини олдиндан аниқлаштириб олиш ҳам шаҳарликлар эътиборидан четда қолмаслиги зарур. Сабаби, шунга қараб боғ ташкил этиш ишлари бошланади. Катта-кичик идишларга декоратив гуллар экиб, экзотик манзаралар барпо этиш учун асосан кичик, маҳсулот етиштиришни мақсад қилганда эса кенг майдон танлаб олинади. Мисол учун, эстетика ва ҳордиқ чиқариш учун ташкил этилган боғларда манзарали ўсимликлар ёки ранг-баранг гуллар бўлиши мақсадга мувофиқ.

Том устида полиз маҳсулотлари етиштириш агроиқтисодий тараққиётга ҳам ҳисса қўшмоқда. Қайси турдаги экинларни етиштириш ва уни қандай амалга ошириш мумкинлигини ўрганиб

да тупроқнинг қалинлиги ва жўякларнинг баландлиги унча юқори бўлмаслиги ҳисобига ҳар қандай ўсимликни ҳам етиштириш имкони мавжуд эмас. Мисол учун, томорқада сабзавотлардан пиёз, кўкатлар, помидор, қарам, редиска, бўлғор қалампир етиштириш мумкин. Қовоқ эса кўп барг чиқариши, юқорида қараб чирмашиб ўсиб кетиши боис унча баланд бўлмаган қаторларда қуриб қолади. Полиз экинларини эса технологиясига амал қилган ҳолда парваришlash мумкин. Бу экинлар тупроқнинг ўзига экилишини назарда тутиб тупроқ ва том қисми ўртасида сув ўтказмайди қатлам ҳосил қилиш лозим. Полиз экинларининг доимий намликни ўзида сақлаб туриши ҳисобига тупроқ оғирлигининг ошиши ҳимоя қатламининг чидамлилигига эътибор беришни талаб этади.

Иш тартибини ташкил этишда юқорида таъкидланганидек, том ўсимликларига алоҳида парвариш зарурлиги, техник жиҳатлар, айниқса, сугориш ишларини инобатга олиш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш лозим. Маҳсулот етиштириш мақсадида ташкил этилган экин майдонида деҳқончиликдан оз-моз хабари бор инсонлар ишлаши мақсадга мувофиқ.

Олимларнинг фикрича, том устида экин экиш орқали қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари нархининг мўътадил сақланиб туришига эришиш мумкин. Яъни, маҳсулот кўлдан-кўлга ўтмайди ва нархи ҳам харидоргир, чўнтақбоп бўлади. Асосий муаммо томда ташкил этиладиган томорқанинг бошланишида бироз харажат талаб қилиши, сейсмик жиҳатдан хавф-

балар ошхонаси ва маҳаллий аҳолининг озиқ-овқат билан таъминлаб келмоқда. Шунингдек, Манхеттен шаҳридаги «Rockefeller Center», Чикагодаги «City Hall» биноси, Канаданинг Торонто шаҳридаги «Mountain equipment» биносининг томида ташкил этилган эксклюзив боғлар хорижий сайёҳларни ўзига мафтун этмоқда.

Том устида боғ яратиш шаҳарни самарали барпо қилиш усулларидан биридир. Жумладан, шаҳар ландшафтини тараққий этаяётган давлатлардан бири Сингапурда мегаполисни қўқаламзорлаштириш ишлари бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, 80 фоиз сингапурликлар том устида маҳсулот етиштиришга ижобий ҳодиса сифатида қарашган. Бунда ҳордиқ чиқариш, жумладан, бўш вақтни мароқли ўтказиш, табиат қўрқига қўққўиш, агроиқтисодийни ривожлантириш бандлари кўп овоз олган.

Шифокорларнинг таъкидлашича, ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар ўз чарчоқларини компьютер ўйнаш ёки телевизор кўриш билан эмас, балки табиат қўйнида жисмоний меҳнат қилиш билан чиқаришлари жуда ҳам фойдали. Сўнгги изланишлар ўсимликлар кун давомида фаол ишлаган мияни дам олдириш хусусиятига эгалигини кўрсатмоқда. Бундай вазиятда хонада гул ўстириш, ўзи истиқомат қилаётган худудда боғ барпо қилиш муаммоларининг асосий ечими. У ҳоҳ Ерда, ҳоҳ том устида бўлишидан қатъи назар, инсон тупроқ меҳрини ҳис этиши зарур.

«Ma'rifat» муҳбири
Ҳамида УСМОНОВА
тайёрлади.

2014-yil 8-noyabr, № 90 (8739)

ИМТИХОН ҲАҚИДАГИ ТУШ ЎЗЛАШТИРИШГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР ЭТАДИ

Баъзан ўқувчи ва талабалар имтихон олдидан хавотирли туш кўради. Тиббиёт соҳасида таълим олаётган талабалар иштирокида тажриба ўтказган Сорбонна университети олимлари имтихон ҳақидаги тушлар фанларни ўзлаштиришга ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини аниқлашди.



“Consciousness and Cognition” илмий журнада қайд этилишича, бу каби тушлар “хавфларга тайёргарлик” назариясини яна бир бор тасдиқлаб, инсонларни туш ёрдамида ҳаётини муаммоларга тайёрлаб боради.

Сорбонна университети тадқиқотчиси Изабель Арнульф ва ҳамкасблари

тиббиёт йўналишидаги олийгоҳнинг 1-босқичини тамомлаган 700 нафар талабани тажрибаларга жалб этишди. Кейинги босқичга ўтиш бўйича семестр имтиҳонидан бир кун ўтгач, талабалар махсус сўровнома тўлдирди. Саволлар асосан имтиҳондан аввал қандай туш кўргани, унинг мазмуни ва таълим олишга боғлиқлигига оид эди.

Имтиҳондан бир кун аввал иштирокчиларнинг 44,1 фоизи имтихон билан боғлиқ туш кўрганини, унда айримлар синовларга кечиккани, баъзилар рўқсатининг ёзма қилиниши ёки тушунарли саволлар берилганини баён этишган. 73,4 фоиз талаба эса бу каби тушларни семестр вақтидаёқ кўрганини таъкидлаган.

Шундан сўнг олимлар сўровномада қатнашганларнинг имтихон натижалари билан қизиқди. Аниқланишича, имтихон борасида тез-тез ваҳимали туш кўрган талабалар яхшироқ натижаларни қайд этишган. Мазкур маълумот финляндиялик нейробиолог Антти Ревонсуонинг тушлар инсонни стрессли вазиятларга тайёрловчи ўзига хос ҳодисалардан бири эканлиги ҳақидаги қарашларини қайсидир маънода тасдиқлади.

«Ваҳимали тушлар, биринчи навбатда, талабаларга имтихон олдидан кўпроқ билим олишга туртки берган. Шунингдек, тушдаги ваҳимали ҳолатлар билан ўғнадаги ҳаётини воқеалар ўртасидаги тафовут талабаларнинг имтихонга тайёргарлик пайтидаги руҳий зўриқилишини камайтиради», дейилади илмий журналдаги мақола якунида.



ҚАРИЛИКНИ ТЎХТАТИШ ИМКНИ МАВЖУД

Яқинда америкалик ва австралиялик олимлар ўзаро ҳамкорликда кексалик жараёнини тўхтатувчи усулни топгани ҳақида маълумот берилди. Мутахассислар сичқонлар устида тажриба ўтказиб, муайян ҳулосага келгач, тиббий тадқиқотларни одамлар иштирокида ўтказишга қарор қилган.

Гарвард ва Янги Уэльс университети олимлари бундай оламшумул натижага табиий оқсил ва молекулалар ёрдамида организмни қаритувчи генларни ухлатиш ҳамда ёшлик генларини қайта фаоллаштириш орқали эришганини таъкидламоқда.

— Мазкур илмий иш аввалида кексалик жараёнини назорат қилувчи генларни пухта тадқиқ этдик, — деди Гарвард университети профессори Девид Синклер. — Тажриба сичқонлари генларига NMN номли молекула жойлаштириганимиздан сўнг бир ҳафта ўтиб, кемирувчининг қариши секинлашди. Бу эса илмий ғуруҳимизда умид пайдо қилди. Ижобий натижаларга таянган ҳолда, инсон ҳужайраларига ҳам ёшликни қайтарувчи шифобахш дори воситасини ихтиро қилиш ва тақомиллаштириш устида бош қотираймиз.

Университет олимлари тажрибани кўнгилдиларда ҳам синаб кўришни бошлаган. Энг асосийси, сичқонлар умрини узайтирган молекулалар инсонлар саломатлигига салбий таъсир этмайди. Аксинча, мазкур молекулалар ялғизлигини даволаш ҳусусиятига эга бўлиб, инсон терисининг қизариши, ошқозон-ичак трактидаги касалликларни тузатишда қўл келади.

Дунё бўйлаб ўтказилаётган айрим клиник экспериментлардан кўра ушбу илмий усул одамларга самаралироқ таъсир кўрсатишига умид қилинмоқда.

С.РУСТАМОВ тайёрлади.



JUMLADA JAHON

yangiliklar o'xshadadi

Миср шимолидаги ал-Бу-ҳайра провинциясида мактаб автобуси ҳайдовчисининг кўриш даражаси пастлиги туфайли чуқурликка дуч келиб бошқарувни йўқотиши ва юк автомобили билан тўқнашиб кетиши оқибатида юзага келган ёнғиндан 18 ўқувчи ҳалок бўлган.

Италия пойтахти яқинидаги Леонардо да Винчи халқаро аэропортида яшин уриши оқибатида битта двигатели ишламай қолиб, фавқулодда қўшни амалга оширган “ATR 72” йўловчи самолётидаги йўловчиларнинг ҳеч бирига шикаст етмаганлиги ҳақида хабарлар тарқатилган.

АҚШнинг Нью-Жерси штати Жерси шаҳридаги қурилиш майдонининг 50-қаватидан тушиб кетган масофа ўлчаш асбоби ердан тахминан 5 метр баландликдаги қурилиш техникасига тегиб, махсус бош қиёмисиз меҳнат қилаётган ишчилардан бирининг ўлимига сабаб бўлган, дея хабар бермоқда «Associated Press» ахборот агентлиги.

«InfoBAE.com» интернет наشري тарқатган хабарларга кўра, Аргентинанинг Кордова шаҳридаги лакбўёқ комбинатида юзага келган кучли портлаш қўшни туманларда ҳам фавқулодда ҳолатни юзага келтирган, ҳодиса оқибатида эса 46 киши жароҳат олган.

Канаданинг Квебек провинцияси ҳудудидан оқиб ўтувчи Муази дарёси яқинида савдо поезде рельсдан чиқиб кетган, ҳодиса сабаблари ва ундан азият чекканлар ҳақида ҳозирча аниқ маълумот берилмаган.

АҚШнинг Айова штати Логан шаҳрида бўлиб ўтган суд мажлиси вақтида 18 ёшли ўсмир ўтган йили 5 ёшли тутинган укасини «Skylanders» видеоўйинининг қаҳрамони — гоблин деб ҳаёл қилиб, унинг жонига қасд қилганини тан олди.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бўш (вакант) ўринларга кафедра мудирини, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент лавозимларига танлов эълон қилади

Биокимё; микробиология ва биотехнология; биофизика; генетика ва цитозембриология; ботаника, ўсимликлар физиологияси ва экология; табиий география; қуруқлик гидрологияси; телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар; умумий, неорганик ва аналитик кимё; полимерлар кимёси; табиий бирикмалар кимёси; информатика ва табиий дасурлаш; археология ва этнология; Ўзбекистон тарихи; тил назарияси ва амалиёти; маънавият асослари ва диншунослик; фалсафа тарихи ва мантиқ; педагогика ва умумий психология; социология ва ижтимоий иш; астрономия ва атмосфера физикаси; жаҳон адабиёти; рус тилшунослиги; француз филологияси кафедралари мудирлигига.

Ўзбек тилшунослиги кафедраси профессорлигига.

Генетика ва цитозембриология; табиий география; ижтимоий география ва демография, умумий геология; геофизикавий тадқиқот усуллари ва гидрогеология; макроиктисодиёт; минтақавий иқтисодиёт ва менежмент; информатика ва табиий дасурлаш; математик физика; ҳисоблаш технологиялари ва ахборот тизимлари; назарий ва табиий механика; алгебра ва функционал анализ; жаҳон тарихи; тарих; Ўзбекистон тарихи; ўзбек адабиёти ва матншунослик; миллий ғоя ва ҳуқуқ таълими; астрономия ва атмосфера физикаси; оптика ва лазерли физика; умумий физика; яримўқазгичлар ва полимерлар физикаси; ядро ва назарий физика; таржима назарияси ва қиёсий тилшунослик; жаҳон адабиёти кафедралари доцентлигига.

Одам ва ҳайвонлар физиологияси; тупроқшунослик ва агрокимё; ижтимоий география ва демогра-

фия; геофизикавий тадқиқот усуллари ва гидрогеология; минтақавий иқтисодиёт ва менежмент; иқтисодиёт назарияси; информатика ва табиий дасурлаш; геометрия; дифференциал тенгламалар; манбашунослик ва архившунослик; тарих; тил назарияси ва амалиёти; педагогика ва умумий психология; оптика ва лазерли физика; немис филологияси; инглиз филологияси; жаҳон адабиёти; рус тилшунослиги; француз филологияси; инглиз тили; жисмоний тарбия кафедралари катта ўқитувчилигига.

Биокимё; генетика ва цитозембриология; одам ва ҳайвонлар физиологияси; телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар; минтақавий иқтисодиёт ва менежмент; органик кимё; физикавий ва коллоид кимё; манбашунослик ва архившунослик; тарих; маънавият асослари ва диншунослик; психология; педагогика ва умумий психология; ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўлими; француз филологияси кафедралари ўқитувчилигига.

Математик анализ кафедраси ассистентлигига.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (факультет илмий котиби томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ кадрлар бўлими. Тел: 246-03-92

Хаёт бир жумбоқдек гўё. Бир қарасанг, омадинг чо-пиб кетаверади, гоҳ қўлинг етган ошдан қуруқ қоласан. Муҳими — эрта тонгда яхши ният қилиш. Боболари-миз «Тиш бутунлигида катта-катта орзу-ниятлар қилиш зарур!» деган. Чунки эрталаб кўнгил губорлардан холи, нафис туйғулар ин-сонни аллалайди. Тилак, ал-батта, ўнгидан келади.

Бир куни азонда кўрма-ганимга бир неча йил бўлган дўстим ёдимга туш-ди. Кун бўйи уни кўп эсла-дим. Тушдан кейин телефо-ним жиринглади. Кўтарсам, ўша дўстим! У шаҳарга кел-ганини, кўришиб би-ир ми-риқиб гурунглашмоқчилигини айтиди. «Албатта, бора-ман», дедим. Иш вақти ту-габ, жонажон дўстим билан учрашмоққа отландим.

«Дўст» деган биргина сўзнинг замирида минглаб маъно мўжассам. Меҳр, са-докат, ишонч... Дўстингиз-нинг дийдорини кўришин-

гиз билан болаликдаги чек-сиз орзулар кўз ўнгингизда жонланади.

Биз ҳам бир вақтлар дўстим билан шаҳарда бир-га ўқишни, ҳамқадам иш-лашни ният қилардик. Икка-ламиз ҳам шу ерда ўқидик, аммо у воҳага қайтиб кетди. Масофа узоқ эса-да, кўнгил-лар яқин. Бироқ дийдор

Одам характериға хос бир хусусият борки, баъзи-да ажабланисанас киши. Ма-салан, ниманидир жуда ис-таб турган инсоннинг олди-га ўша нарсани қўйсанг, бирдан хаёлга чўмиб қола-ди. Худди кўрган туши ўнгидан келган одам мисо-ли. Бундан сўнг инсоннинг ҳаётга, келажакка ишончи

қандай боришни билмас экан. Таваккал деб бир кар-донга қўшилиб йўлга чиқиб-ди. Буни қарангки, қарвон-ни саҳрода қароқчилар ту-наб, барчани қатл эта бош-лабди. Худонинг қудрати билан йигитни «Хали ёш экан!» деб қўйиб ўбори-шибди. У саҳрода юра-юра охири чарчаб-ҳориб уйкуга

тушида йўл кўрсатган чол. У ҳайратини яширмай туши-нинг таъбирини сўрабди. «Тушингга кирганим — Яратганнинг марҳаматидир, нурга қараб деганинг маъ-носи, нур бу — яхшилик, эз-гулик белгиси, унга интил-ганлар ҳеч қачон йўлдан адашмайдилар», деган экан...

Хулоса шуки, давр ўзгар-ди, тараққиёт жадал суръат-ларда илдамламоқда, лекин ҳамон барча замонларда бўлгани каби яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ўз ўрнида му-қим турибди. Муҳим бир ҳижат бор: ҳар бир одам инсонийликни унутмасе бас. Ҳазрат Жалолиддин Румий: «Дўзах оловидан кўрқганим учун эмас, жаннат боғларига киришни учун ҳам эмас, одам бўлишим учун яшадим», деган экан.

Одам бўлишнинг, одам бўлиб яшашнинг ўзи катта гап!

Фуркат АЛИМАРДОНОВ

ТОШБУЛОҚ ТИЛАК

ўзгача-да барибир. Шу са-бабли, табиятан кўрс бўли-шига қарамай соддадил, ўзига тортиб турувчи нима-сидир бор унинг.

...Инсонда беш хил сезги бор. Бугун мутахассислар бирор воқеани одамнинг юраги олдиндан сезишини олтинчи сезги деб ҳисоб-лашмоқда. Шу туйғайлими ё бошқа нарсаданми, эрта тонгда соғинган дўстимни учратгандирман.

ортади. Негаки, бутун олам унинг орзуи амалга оши-ши учун кўмаклашиб туриб-ди-да...

...Кеч тушиб ижарахо-намга қайтарканман, бир мақсадни дилимга тугиб қўйдим: «Энди ҳар тонг эзгу ниятлар қиламан!».

...Ривоятга кўра, қадимда бир йигит қомиллик орзуси-да донгдор авлиёга шоғирд бўлишни ният қилибди. Аммо у ўша пирнинг ёнига

кетибди. Тушига оппоқ со-қолли чол кириб: «Нурга қараб юр, фақат нурга, бўтам!» дея кўздан ғойиб бўлибди. Уйғониб қараса, тонг ёриша бошлаган, қуёш ердан бош кўтараётган экан. Ўспирин қуёш чиққан тарафга йўл олибди. У бир мамлакатга етиб, донги кет-ган авлиёни сўраган экан, уни дарҳол пирнинг олдига етказиб қўйишибди. Илмта-лаб не кўз билан кўрсинки,

Талабалар амалиёти билан шуғуллан-увчи профессор Ориф Шаропов Султонмуроднинг йўлланмасига шаҳар мар-казидан олисдаги ўқув муассасасига юборишни ёзганида чидаб турулмади. Тоғли қишлоқ, марказдан узоқ, боз ус-тига, йўл чап.

— Ҳеч бўлмаса, туман марказига бе-ринг, у томонларни билмайман. Қийна-ламан, домла!

Профессорнинг ўтти нигоҳи талаба-нинг кўзларига қадалди:

— Хали сизлардан умид шуми? Са-боқларимиз самара бермапти, чоғи. Бординг, ўша жойда сизнинг ўрнингиз!

Султонмурод бўш келмади:

— Ҳозир ҳамма жойда коллеж, акаде-мик лицейлар. Биргина менинг билимим-га қараб қолмагандир. Тоғ ҳавосидан на-фас олинг, ҳаётни ўрганинг, дейсиз. У жойдагилар мендан ўн баравар кўп билим беришади. Ҳозир бутун эътибор қиш-лоққа-ку! Илмий иш бошлаб қўйгандим, узилиб қолмасам деб кўркаман.

Ориф Шаропов бошқача усул қўлла-маса, иши ўнгидан келмаслигини ту-шуниди.

— Навойини ўргатинг, ука. Илмий иш қочмайди. Уч ой кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Тошкент қочиб кетмайди.

... Тоғ оралиғи бўйлаб асфальт йўлда кетаётган автобус ўриндиғида бораётган Султонмуроднинг хаёлини кеча профес-сор билан бўлган сўхати банд қилган-ди. У ёнидаги қизга қарамас, ўз хаёл-ларига берилганди. Барибир техника техника-да, йўлда бузилиб қолди. Ҳай-довчи йўловчилардан бир муддат маши-надан тушиб туришни илтимос қилди. Қош қорайиб борар, машина эса туза-ладиганга ўхшамасди. Ниҳоят, ўт олди. Осмонда яккам-дуқкам юлдузлар пор-лай бошлади. Тошкентлик меҳмон энди меҳмонхонада тунашга аҳдланди.

Хаёлини ёнида ўтирган қиз бузди.

— Қишлоғимизгача анча юриш керак. Мени, иложи бўлса, уйимизгача олиб қўйлаёйсизми?

Кизнинг илтимоси Султонмуродни эсанкиратиб қўйди.

— Синглим, мен меҳмонман. Ўзим ҳам шу ерда тунаш учун келаяпман. Бо-шқалардан илтимос қилинг.

— Бошқаларга айтгани кўркаман.

— Мендан-чи?...

— Сиз унақага ўхшамасиз. Сўзларин-гиздан, юриш-туришингиздан сездим. Бунинг устига меҳмон экансиз. Акаларим бор. Бизникида дам оласиз.

Таклиф Султонмуроднинг хаёллари-ни учирди. Тоғнинг одамлари ориятли бўлади. Синглисини олиб келганини улар қандай тушуниши мумкин?

Таваккал, нима бўлса бўлди, ўзига

мўлтираб турган кўзларга дош беролма-ди.

Анча юришди, қишлоқнинг оти Бо-домзор экан. Қиз йигитни қишлоқ кўча-лари бўйлаб хийла олиб юрган, битта дарвозанинг олдида келиб тўхтади.

— Ҳозир, мен ичкарига кириб акалар-имни айтиб чиқаман. Шу ерда туринг. Бироз ўтган, ичкаридан ақтак кийган норғул бир йигит чикди. У дабдурустдан келиб Султонмуродни қучоқлаб олди.

— Раҳмат, меҳмон. Хавотирланми ўти-рувдик. Бу ерда сотка ишламайди, ан-тенна чиқмаган. Нега келмади, деб ха-вотирда эдик.

ТОШБУЛОҚ СЕВГИСИ

Ҳикоя

...Нон-чойдан кейин шаҳарлик меҳ-монга жой солиб беришди. Меҳмонхо-нада ёлғиз қолдиришди.

Тоғлиқларнинг, албатта, ўн беш бо-лорли меҳмонхонаси бўлади. Уни яхши ниятда солишади: тўй қиладиган бўлса, камиди қирқ-эллик одам сиғида-ган жой тайёрланади. Бошқа кунлари Султонмуродга ўхшаганлар ётади...

Хаво енгил. У Ориф Шароповнинг тоғдан нафас олиб келинг, деганидан хурсанд бўлди. Оқибатни қаранг. Қиз бола уйига таклиф қилди-я. Акалари нон-туз билан сийлади. Тўрт қаватли кўрпача солди, жой беришди. Сидқи-дидан амалиёт ўтаб, ёруғ юз билан уни-верситетга қайтади.

Уйбошининг номи Тўра ака экан. Эр-талаб қишлоқ билан таништирди. Мўътадил ҳаводан енгил торган Султонмуроднинг вужудини эзгу ҳислар чулбаб олди: домласининг гаплари тас-дигини топапти; болаларга Навойини севишни ўргатади. Қомилликка инти-лиш ҳақидаги насиҳатларини уларнинг қалбига қўяди.

Султонмурод касб-хунар коллежи раҳбарлари томонидан қабул қилиб олинди. Вазифаси топирилиб, унга ётоқжой ажратилди.

У энди коллежга йўл олаётган ҳам эдики, Тўра ака қаршисидан чикди.

— Нима, меҳмон, биздан хахамасиз? Укам биттага кўпайди деб хурсанд бўлиб юрибман. Қайтинг, бизникида яшайверасиз. Тошкентга борганда қай-тарарсиз.

Бундай илтимосни рад этиб бўлади-ми? У изига қайтди.

эмасми? Ҳар куни эрта туриб Тошбулоқ-да ярим белигача муздек тоғ сувига юви-нишга ўрганиб қолганди-да! Ўшанда қўлига қўмгон кўтарган бир қиз келди-ми?! Унинг ўтдай ёниб турган шахло кўзлари, Навойи бобоси айтмоқчидай, вужудига севиғи оловини ёқди.

Қаранг, пойтахтда шунча гўзал қиз-лар уни ром қилолмабди-ю, тоғлик қиз бир қараш билан оромини ўғирлабди-қўйибди. Султонмурод азонда Тошбу-лоққа югурар, гурсиллаб ураётган юра-ги зарбини муздай чашма суви босол-мас, севиғи оташи кун сайин аланга оларди.

Султонмурод шу орада қизнинг ҳам уни севишини билди. Ё туйғулари ал-дадимикан? Пайт пойлаб сув олишга келган қизга сўз қотди. Билмади, бу сўзлар ўзиникими ёки фариштаники.

— Шу кунгача қузатиб юрибман. Фа-қат Тошбулоқда учрашяпмиз.

Қиз унга рўйхушлик билдираётгандай деди:

— Сизнинг қорачиқларингизда мен излаган ёлқин бор. Ишонсам бўладими? Бирданига елкаси силкиниб, мижа-сига ёш қалққан қизнинг ҳаракатидан Султонмурод эсанкираб қолди.

— Қошқийди, сизнинг шу сўзларин-гизга арзисам. Сиз коллежга ишга кел-ганингиздан бери кузатаман. Шу ерга келиб ювинишингизни билиб вақтида келаман. Нега бундайлигини ўзим ҳам билмайман. Ихтиёрим қўлдан кетган.

Ийғайман, сизга арзimasлигини би-либ дардимни ичга ютаман.

— Сизга нима қилибди?

— Мен ажрашганман.

Султонмуроднинг ичиди нимадир узилди. Қўмгонини олиб елкалари силкинганча кетаётган жувоннинг орти-дан руҳсиз қараб қолди.

Эртасига яна булоққа келди.

— Исмин Мунаввар, — деди жувон.

— Бир йигит худди сиздай келувди. Ал-дади, ота-онанинг юзига қаролмайман. Ҳар дардим ичимда. Мени яхши кўринг демайман, фақат нимага ҳозирги йигит-лар соддаларни доғда қолдиришади. Шу билан нимага эришадилар?..

Мунаввар сувга тўлган қўмгонини эс-дан чиқариб йиғлаб кета бошлади. Сул-тонмурод қўлига қўмгонини олиб, унинг ортидан чоғди. Мунаввар кечирим сўраб қўнанинг муолишида кўздан йўқолди.

Одатдагидек ювиб дазмолланган қий-имларини кийиб амалиётга кетаётган Султонмуроднинг олдида Тўра ака чи-қиб қолди. У уй эгасига жуда қаттиқ меҳр қўйган, отасидай ҳурмат қиларди.

— Бугун роса ясанибсиз, учрашув борми, дейман? — унинг сўз оҳанглири-да қандайдир фалатилик бордай эди.

— Ҳар галгидай коллежга, амалиёт. Дарс тамом бўлгандан кейин уйга кели-б экан эканларимиз?

— Коллежга денг, яна булоқбошига кетаётганимкан, деб ўйлабман.

Султонмурод шаъмани дарров ту-шунди. Шунча вақтдан бери сийлаб ке-лаётган уй эгаси олдида ночор аҳволга тушди.

— Мендан ўтган бўлса кечиринг, йўл кўрсатинг!

Тўра ака унинг авзоини кўриб, ён босди:

— Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Булоқбошида гаплашиб турганингизни одамлар кўришибди. Агар бу давом этса, обрўйимизга путур етади...

Тўра ака айтганидай бўлди: қоровул индамади, директор саломига алик ол-мади. Султонмурод ўзига ёпирилиб ке-лаётган таъна тошлари олдида чорасиз қолди. Охири, Тўра ака унинг жонига оро кирди:

— Сен менга укадай бўлиб қолдинг. Қишлоғимизнинг ёзилмаган қонунлари бор. Мана шу бева алданганидан кейин белгимиз шувут бўлди. Энди сен ҳам ўтганинг устига тегма. Овулни пок сак-лаш керак. Ўқитувчи деган номинг бор. Тоғдан уйланаман десанг, ўзим совчи бўлай.

Султонмурод ўша номардни тоғгиси, таъзирини бергиси келди-ю, бу имкон-сиз эди. Амалиётнинг сўнгги кунлари эди. Тошкентга қайтаётган Султонмурод Тошбулоқ ёнидан ўтаркан, унинг отила-ётган сувлариди Мунавварнинг дил ар-монлари яширингандай эди.

Пардабой ТОҶИБОЕВ

ШОҲСУПА САРИ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

узлуксиз спорт ўйинларининг илк бўғини
орқали ташланади



Умид ниҳоллари — ёш авлодди жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли спорт ўйинларининг дастлабки бўғини. У спортсавра ёшларнинг ҳаҳон шохсупаларини забт этишда илк пойдевор ва-зифасини ўтайди. Юртимиз умумтаълим мактаб ўқув-чилари ўртасида ўтказиладиган мазкур спорт мусоба-қасида қўпбал умидли спортчилар кашф этилмоқда.

Сир эмаски, бугунги кунда ешларнинг буюш вақтини мазмунли ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спортни кундалик ҳаёт тарзига айлантириш мақсадида ташкил этилган спорт тўғрақлари ва секцияларида мунтазам спорт билан шуғулланаётган ўқувчилар «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида тажриба ортириб, «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларида вилоят шарафини, халқаро турнирларида эса ушбу шаънини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда.

Узлуксиз тарзда йўлга қўйилган спорт мусобақалари эса ўғил-қизларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини мустаҳкамлашга, ўзаро бирдамлик, дўстлик

туйғуларини уйғотиб, эпчиллик, чакқонлик, ҳаракатчанлик каби жисмоний хуссиятларни ривожлантиришга хизмат қилади.

«Умид нихоллари» спорт уйинларининг республика босқичига 2015 йили Хоразм вилояти меъзобинлик қилди. Айни кунларда барча ҳудудлардаги умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида мазкур спорт мусобақасининг мактаб ва туман (шаҳар) босқичлари бўлиб ўтмоқда. Унда 1—4-синф ўқувчилари спортнинг 5 тури, 5—9-синф ўқувчилари эса 6 тури бўйича ўзаро беллашди. «Умид нихоллари» спорт мусобақаларининг мактаб ва туман(шаҳар) бос-



қичлари ўқувчиларнинг кузги таътил кунларида ўтказилаётгани уларнинг бўш вақтини мазмунли ва фойдали ташкил этиш имконини бермоқда.

Шунингдек, кузги таътил кунлари ўқувчи-ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун умумий ўрта таълим мактаблари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, спорт мажмуаларидаги тўғрақ ва секциялар, сузиш хазалари тўлақонли фаолият кўрсатиши таъминланди. Бугунги кунда республика миқёсида 65423та ана шундай спорт тўғрақлари мавжуд бўлиб, уларда 1,6 миллион нафардан зиёд ўқувчи мунтазам равишда спорт билан шуғулланиб келмоқда. Тўғрақларда қатнашиш 16 ёшгача бўлган болалар учун бепул экани барча ўқувчиларнинг ўзи севган спорт тури билан эркин шуғулланишига кенг имконият яратмоқда.

Сергели туманидаги 8-умумтаълим мактабида ҳам 1—4-синф ўқувчилари ўртасида спортнинг энгил атлетика тури бўйича “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг саралаш босқичи бўлиб ўтди. Мусобақадан тумандаги таълим муассасаларидан 9та жамоа энгил атлетиканинг уч тури — 30 метрга югуриш, узунликка сакраш ва 400 метрга кросс югуриш бўйича ўзаро бахslashди. Ҳар бир жамоа таркибида 3 нафар қиз ва 3 нафар ўғил бола голиблик учун куч синачди.

—“Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари-
нинг илк боскичида тасарруфимиздаги

таълим муассасалари 3та худудга бўлинган ҳолда баҳс олиб боришмоқда. Худудлардан сараланган жамоалар туман босқичига беллашиб, шаҳар босқичига йўлланмани кўлга киритади. Бундай мусобакалар фарзандларимизнинг жисмоний саломатлигини яхшилаш билан бирга ўқувчилар ўртасидаги ўзаро бирдамлик ва дўстлиқни мустаҳкамлайди, — дейди “Ешлук” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Сергели туман кенгаши раиси ўринбосари Шухрат Махмудов.

— Ўқув йили бошланиши билан мусобақаларга тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик, — дейди 104-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Алишер Юсупов. — Илк босқичда яхши натижа кўрсатган ўғил-қизларни қўшимча дарсларда тайёрлаб, машғулотларни қўчайтирдик. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Мактабимизнинг эгчил ўғил-қизларидан иборат “Чак-қонлар” жамоаси мусобақада фаол қатнашишди.

Қизгин ва мурасасиз кечган беллашув-
да 264-мактаб жамоаси биринчи ўрин-
ни эгаллаб, туман босқичига чиқди. 304-
мактаб жамоаси иккинчи, 104-мактаб
ўғил-қизлари 3-ўринни банд этишди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шавкат ХЎЖАҚУЛОВ,
Одина ҚУЛМУРОВА,
“Ma’rifat” мухбирлари**



Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

БОЛАЛАРНИНГ ҚАДРДОН МУСОБАҚАСИ



«Кувноқ стартлар» — мактаб ўқувчиларининг энг қадрдон спорт мусобақаси. Ушбу мусобақа дастурига киритилган миллий ва ҳаракатли ўйинлар ўғил-қизларнинг чاقқонлиги, эпчилиги ва ўзаро бирдамлигини синовдан ўтказишда қўл келади. Бола-яхонли қийқириклари остида ўтадиган мусобақаларда зафар қучиш эса чинакам шайлади. Чемпион бўлиш қайси ўқувчига кир?!

Шу боис ҳам ҳар ўқув йили юртимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Кувноқ стартлар» спорт мусобақаси мунтазам ташкил этилмоқда. Жойларда оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида ривожлантириш, ўқувчи-ёшларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш, спорт иншоотларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг «Умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида «Кувноқ стартлар» спорт мусобақаларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинди.

Унга кўра, 2014-2015 ўқув йилида умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида «Кувноқ стартлар» спорт мусобақалари

4 босқичда, яъни мактаб, туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсда ўтказилиши белгилан кўйилди. Бу мусобақа, албатта, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда ҳар бир ўқувчининг қатнашишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Босқичлар мусобақа низомида келтирилгандек, кузги, қишки ва баҳорги таътиллارда, яқуний босқичи эса 1 июнь кўни ўтказилади.

Айтиш жоизки, ушбу анъанавий мусобақа дастури ҳар йили янгилаб борилади. Бу эса жамоаларнинг санокли спорт ҳаракатлари ёки турлари билан чекланиб қолмай, балки янги-янги миллий ўйинларни ўзлаштиришига хизмат қилади. Буйруқда «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти белгиланган муддатда мусобақа-

нинг ҳар бир босқичи учун алоҳида, бир-биридан фарқ қиладиган, миллий ва ҳаракатли ўйинлар мужассамлашган, болаларнинг спортга бўлган меҳрини янада оширадиган, томошабон, қолаверса, таълим муассасаларидаги мавжуд спорт инвентарлари ва жиҳозлардан самарали фойдаланиш имконини берадиган спорт турларига мурожаат этган ҳолда ўйинлар дастурини ишлаб чиқиши белгилаб қўйилган.

Мусобақага кўпроқ кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини жалб қилишга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидлангани қувонарлидир. Муҳими, биргина мусобақа орқали ўқувчилар қалбига миллий ғурур, ифтихор туйғуларини уйғотиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёш авлодни воёга етказиш ва уларнинг ўз орзулари сари дадил одимлашига шариёт яратиш устувор аҳамият касб этади.

«Қувноқ стартлар» спорт мусобақасининг мазмун-моҳияти ҳам ундан кўзланган мақсадларга уйғун. Хусусан, мазкур мусобақа орқали умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида дўстона муносабат шаклланади. Ахир болалар бир бутун жамоа бўлиб ҳаракатланса,

мураккаб вазиятларда бир-бирига руҳий далда бўлиб, кўллаб-қувватласа галаба қозониш мумкинлигини яхши биланади. Шундай мусобақада катнашманан, деб дилга тугиб қўйган ўғил-қизлар, табиийки, жисмоний тарбия дарсларида фаол катнашади, ҳатто дарсдан кейин спорт тўғарақларига ҳам яъзо бўлади. Бунинг натижасида жисмоний тарбия болаларнинг кундалик турмуш тарзига сингиб боради ва уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўлгайиши, бақувват ва соғлом бўлиши, иродасининг мустаҳкамланиши, она юрт, ота-она ва яқинларига нисбатан муҳаббати мустаҳкамланишига эришилади.

Мусобақада қатнашининг бир қатор талабалари бор. Иштирокчи жамоалар таркиби жами 27 нафар (жамоа раҳбари, мураббий, ҳакам, 24 нафар (12 ўсмир ва 12 қиз) бадан иборат бўлиб, ҳатто қайси синфдан қанча ўқувчи жалб этиш ҳам белгилла қўйилган. Жумладан, 4-, 5-, 6-синф ўқувчилари орасидан иккитадан, 7 ва 8-синфлардан эса учтадан ўғил ва қиз бола таркибда бўлиши лозим.

Жамоа раҳбарлари, масъулар яна бир жиҳатни унутмасликлари керак. Бу — спорт

кийими. Аниқки, мусобақанинг тартибли ўтиши шитрокчиларнинг унга бўлган жиддий муносабати ва ўз-ўзини ҳурмат қилишида кўринади. Спортчи-ёшлар фақат маҳорат ва ҷақ-қонликда, кучлилиқда эмас, балки тозаликда, саришталликда ҳам рақобатга киришади. Шуни инобатга олган ҳолда мусобақа низомиди 5 очко билан баҳоланадиган «Спорт кийими учун» номинацияси ҳам киритилди ва у яқуний натижаларга қўйилади.

Болаларга голиб бўлиш қанчалик завқ берса, соғаю дипломлар шунчалик руҳини кўтарди, интилишини оширади. Мусобаканинг мактаб, туман ва вилоят босқичида муваффақиятли қатнашиб, республика босқичига қадар етиб бориб, голиб ва совриндор бўлган жамоаларни раббатлантириш Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади. Демак, фаол болаларни медаллар шодаси, диплом ва эсдалик совгалари кутаяпти. Бунинг учун қўл нарсга талаб этилмайди, балки ўзаро аҳиллик, қучли ирода ва ғалабага бўлган юксак иштиёқ зарур.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

УМР БЕКАТЛАРИ:

КУЗ

Боғда икки туп сада бир-бирига жуда яқин ўсган, шохлари ўралашиб кетганидан қайси новда қайси бириники эканини билиш қийин. Куз дарахтларга аллақачон ўз ҳукмини айтган. Барглари тўкила бошлаган садалар остида икки куз — чолу кампир суҳбатлашапти. Чол ҳасасига, кампир эса чолга суяниб ўтирибди. Оёқлари тагида минглаб барглар худди пояндоз қаби тўшалган. Бу ерга курсини қачон ўрнатганини чол ҳечам эслай олмади. «Ишқилиб, ўша йили қишлоғимизга биринчи телевизор келган эди-да, кампир», деб қўйди қулиб.

Чол кампирга ўрганиб қолганига қанча бўлган бўлса, момонинг бобога суяниб қолганига ундан ҳам ошган. Юзлари ажин кампирнинг бир пайтлар сулув киз-у, мункиллаган чолнинг ўктам йигит бўлганини меҳмонхонада осиглиқ оқ-қора суратга қараб билиш қийин эмас. Жуфтига қачон дил изхори қилганини чол тагин эслолмади. Ёдида бори шуки, ўшанда бу кекса садалар жуда ёш эди. Дилбар қиз уялиб, кўзини ердан узмай, дарахт баргларида бирини қўлида ўйнар, кейин яна бошқасини узарди. Кампир эса аниқ биларди: чоли тушмагур унга юрак ютиб, «Сени яхши кўраман», деганида баҳор эди. Ҳамма ёқни жийда гулининг ифори тутганди. Яна шуниси билан аниқ хотирасида қолганки, ўша ўктам йигит «Ҳозир баҳор. Умримизнинг ҳам аynи баҳор дамлари. Сен билан ҳаётимнинг барча фасллари бирга ўтказмоқчиман», деганди.

Ҳозир эса куз. Кампир чолини яна яхши қўриб кетди, ваъдасига вафо қилгани учун. Хиралашган кўзлари билан атрофга қараркан, назарида улар билан бирга табиат ҳам, олам ҳам барабар қариб боргандек туюлди. Улардан нарироқда қувлашмачоқ ўйнаётган чеваралари учун эса ҳозир баҳор. Ўчоқ бошида қуймаланиб юрган набира келини ва уни бир нималар деб қулдираётган набираси — олти кунлик кўв учун ҳам. Улар дунё ҳеч қачон қаримайди, олам фақат баҳордан иборат деб ўйлайди. Майли, ўйлайверсин. Майли, ўйнайверсин...

Хар иккиси ўз ҳаёлларига фарқ бўлиб ўтираркан, бошлари узра икки дона барг рақс тушаётгандек айланиб-айланиб олдин чолнинг тиззасига, ундан сўнг ерга тушди. Кампир чолга меҳр билан қаради, чолнинг кампири билан рақсга тушгиси келди. «Ховлида болалар бор-да», деб қўйди ичида. Кампир худди уни эшитгандек жилмайди. Ҳақиқатан ҳам, турмуш қурганларига етиши йилдан ошган бу нурунийлар бир-бирларини сўзсиз ҳам тушунишар эди. Ана «полапонлар» уйга кириб кетишди. Кампирнинг меҳри йийиб, охистагина жуфтининг тиззасига бошини қўйди.

КУЗ

Соғинтириб қўйдинг-ку, жоним,
Наҳот, қайтиб келдингми, о куз!
Қўлаккари бежирим жоним,
Уч ой қандай яшадим сенсиз?!

Салга йиғлар эдинг ўшанда,
Буркангандинг гулга, яшилга.
Сочларингни тортқилаб ўйнаб,
Атай тегар эдим гашингга.

Ғойиб бўлдинг қайгидир бирдан,
Емон қилар экансан жаҳл.
Сен арабчи бўлсанг, мен рашкчи,
Қандай аҳил яшаймиш, ахир?..

Не бўлса ҳам қайтиб, хурсандман,
Энди ҳафза қилмайман зинҳор.
Ҳамон сени севиш-ла бандман,
Ешинг ўтган бўлса-да, баҳор...

Жўрабек ЖАҲОН

Тимур КАЙСАРОВ ва ўза
олган суратлар.

Ma'rifat

TA'SIS

ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-1124. Tiraj 38928.
Hajmi 4 bosma taboq. O'fset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-4116



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'za yakuni — 20.40 Topshirildi — 21.00

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

Nabvatchi muharrir:

Nazokat XOLMETOVA.

Nabvatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

1 2 3 4 5